КОСМИК КЕМА ЕР ЙЎЛДОШИ ОРБИТАСИГА УЧИРИЛДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 98 (1618) | 17 май, 1960 йил, сешанба | Баҳоси 20 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

Кейинги йилларда Совет Иттифоқида одамни Космик фазога учиришга тайёрланиш соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда.

Ернинг катта вазндаги ва ҳажмдаги сунъий йўлдошларини яратишда, бир неча тонна оғирликдаги йўлдошни белгиланган орбитага элтиб қўя оладиган жуда зўр учирувчи ракета синовларини муваффақиятли ўтказиш ишида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар одамнинг космик фазода узоқ вақт учиб юриши учун космик кема яратиш ва унинг синовларини бошлаб юбориш ишига киришишга имкон берди.

1960 йил 15 майда Совет Иттифоқида космик кема Ер йўлдоши орбитасига учирилди. Олинган маълумотларга кўра, йўлдош-кема қилинган ҳисобларга мувофиқ Ер юзасидан 320 километр чамаси баландликдаги доирага яқин келадиган орбитага чиқарилган, шундан сўнг йўлдош-кема учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ажралган. Ер йўлдоши-кеманинг Ер атрофида айланиб чиқишдаги дастлабки даври 91 минутни ташкил этади. Йўлдош-кема орбитасининг экватор юзасига нисбатан оғиши 65 градусга баравар. Йўлдош-кеманинг оғирлиги уни учириб чиққан ракетанинг охирги босқичини ҳисобламаганда, 4 тонна 540 килограммни ташкил қилади. Йўлдош-кемага герметик кабина ўрнатилган, бу кабинанинг ичида вазни одамнинг оғирлигига тенг келадиган юк, келгусида одамнинг учиши учун зарур бўладиган ҳамма ускуналар ва бундан ташқари турли аппаратлар бор. Бу аппаратларнинг оғирлиги қувват бериб турувчи манъбалар билан қўшиб ҳисоблаганда, 1.477 килограммни ташкил этади.

Йўлдош-кема учирилганлигидан мақсад шуки, бу учириш вақтида йўлдош-кеманинг бехатар учишини ва уни учиш вақтида бошқариб боришни, унинг Ерга қайтиб тушишини ҳамда одамнинг шундай кемада учиши учун зарур шарт-шароитни таъминлайдиган системалар такомиллаштирилиши ва синовдан ўтказилиши керак. Бу учириш натижасида одамнинг космосда бехатар учишини таъминлайдиган ишончли космик кемалар яратиш соҳасида мураккаб ишларни бошлаб юборишга негиз солинди.

Йўлдош-кемадан зарур маълумотлар олиниб бўлгач, ундан 2,5 тонна чамаси оғирликдаги герметик кабина ажратиб юборилади. Бу учишда герметик кабинани Ерга қайтариб тушириш кўзда тутилмайди, шу сабабли, кабина қанчалик ишончли эканлиги синаб кўрилиб, йўлдош-кемадан ажратилганидан кейин у, йўлдош-кеманинг ўзи каби Ердан берилган командага мувофиқ пастга туша бошлайди ва атмосферанинг қалин қатламлари орасига етгач, куйиб кетади.

Йўлдош-кемага 19,995 мегагерц частотада ҳам телеграф, ҳам телефон сигнари ишлайдиган «сигнал» радиопередатчиги ўрнатилган.

Ўрнатилган асбобларнинг қандай ишлаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турмоқ учун ва орбита элементларини аниқ ўлчаб билмоқ учун йўлдош-кемада «сигнал» передатчигидан ташқари яна махсус радиоаппаратлар ҳам жойлаштирилган. Йўлдошда жойлаштирилган илмий ва ўлчов аппаратлари кимёвий ток манбаъларидан ва Қуёш батареяларидан қувват олиб туради.

Йўлдош-кемадан олинган дастлабки маълумотларни ишлаб чиқиш унга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаётганлигини кўрсатди. Ер юзидаги станциялар йўлдош-кемани мунтазам кузатиб турадилар.

Йўлдош-кема соат 6—11 минутда Москва тепасидан ўтиб кетди.

Совет йўлдош-кемаси Москва вақти билан соат 7-38 минутда Париж тепасидан ўтиб кетди. Йўлдош-кема соат 7-43 минутда Ленинград тепасидан, Москва вақти билан соат 10-36 минутда Нью-Йорк тепасидан учиб ўтиб кетди.

Йўлдош-кемани Владивосток шаҳри районида 15 май соат 21-12 минутда шарқи-жануб томонга ўтиб бораётганида, визуал тарзда кузатиш мумкин.

Н. С. ХРУШЧЕВ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 14 май. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев тўрт буюк давлат бошлиқларининг кенгашида қатнашмоқ учун Парижга келди.

Совет делегациясининг аъзолари—Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Мудофаа министри Р. Я. Малиновский ва Совет ҳукумати бошлиғига ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳам Н. С. Хрушчев билан биргаликда Парижга келдилар.

Орли аэродромида Н. С. Хрушчевни Франция ҳукумати номидан лавозимсиз министр Роже Фрэ ва ташқи ишлар министрлигининг ходимлари кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчевни СССРнинг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов, Совет элчихонасининг масъул ходимлари, бир қанча мамлакатларнинг Франциядаги дипломатик вакиллари ҳам кутиб олдилар. Халқ учун ясалган трибуналарда Совет ҳукумати бошлиғини табрикламоқ учун келган жуда кўп парижликлар тўпланган эди.

Аэродром кенгашда қатнашадиган тўрт давлатнинг давлат байроқлари билан безатилган эди. Совет ҳукумати бошлиғи шарафига фахрий қоровул саф тортган эди.

Н. С. Хрушчев фахрий қоровул сафини айланиб ўтаётган вақтида оркестр СССР ва Франциянинг давлат гимнларини ижро этади. Сўнгра Н. С. Хрушчев фахрий салон олдида ўрнатилган микрофон томон йўл олади.

Совет ҳукумати бошлиғи микрофон олдида баёнот беради.

Н. С. ХРУШЧЕВ баёноти

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Мен меҳмондўст Франциянинг пойтахти Парижга яна келганлигимдан ғоят бахтиёрман. Менинг яқинда Францияда бўлганлигим кўпдан-кўп яхши ва самимий хотиралар қолдирди. Франция республикасининг президенти генерал Шарль де Голлга, Франциянинг давлат, жамоат арбобларига, бутун француз халқига Францияга қилган визитимиз вақтида ниҳоятда самимий ва дўстона кутиб олинганлигимиз учун, бизга ниҳоятда таъсир қилган жуда кўп хатлар ва табрикномалар учун яна бир марта ташаккур билдиришни истайман.

Улуғ француз халқининг жуда кўп намояндалари билан бўлган учрашувлар ва қилинган суҳбатлар Совет Иттифоқи ва Франция республикасининг халқлари тинчликка, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга астойдил интилаётганликларини яққол кўрсатди.

Президент де Голль билан қилган суҳбатларим бизга кўпгина наф берди; бу суҳбатлар ҳукуматлар бошлиқларининг учрашувлари тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш ва мамлакатлар ўртасидаги хайрли муносабатларни ривожлантириш соҳасида жуда муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча французларга Совет Иттифоқи халқларидан, Совет ҳукуматидан қизғин салом топшираман ва Франциянинг янада равнақ топишини ва улуғвор бўлишини тилайман.

Совет Иттифоқи, Франция, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британия ўртасида раҳбар давлат арбоблари ўртасида энг юксак доирада бу ерда бўладиган учрашув халқаро ҳаётда катта аҳамиятга эгадир. Бир-биримиз билан бундан аввалги учрашувлар натижасида ҳаммамиз ҳам бир-биримизни етарли даражада яхши билиб олганмиз. Мен бу ҳол кенгаш ишининг муваффақиятли ўтишига ёрдам беради деб умид қиламан. Бизлар энг етилган халқаро проблемаларни қараб чиқишимиз ҳамда барча халқларнинг манфаатлари йўлида бу проблемаларни ҳал қилиш йўлларини топишга уриниб кўришимиз керак.

Тинчликни мустаҳкамлашни ҳамда халқаро кескинликни юмшатишни, шубҳасиз, барча халқлар истаганлари ҳолда, шу нарса ҳаммага маълумки, баъзи мамлакатларда хусусан кейинги вақтларда нуфузли доиралар ўз фаолиятларини сезиларли даражада кучайтириб юбордилар. Бу доиралар «совуқ урушни» янада бошлаб юборишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга ҳалақит беришга интилмоқдалар.

Уларнинг бу ишлари муваффақият қозонмайди ва, ёппасига ва батамом қуролсизланиш, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ва Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар сингари масалаларнинг муҳокама қилиниши умумий тинчлик иши учун самарали натижалар беради, деб умид қиламиз.

Бутун дунё халқлари тўрт давлат раҳбарларининг учрашувига нақадар катта умид боғлаётганлигини яхши англаймиз. Шундай экан, Совет ҳукумати кенгашнинг муваффақиятли ўтиши учун, бу кенгаш халқаро кескинликни янада юмшатишга, тинчликни ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга олиб келиши учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

* * *

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар СССР элчихонаси томон йўл оладилар.

Орли аэродромидан шаҳаргача бўлган бутун йўл давомида Франция пойтахтининг ўн мингларча аҳолиси Никита Сергеевич Хрушчевни қизғин табриклаб турди.

Тўрт буюк давлат бошлиқларининг кенгаш олди йиғилиши

ПАРИЖ, 16 май. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Елисей саройидаги Франция Министрлар Советининг мажлислар залида Париж вақти билан соат 11 да (Москва вақти билан соат 13 да) тўрт давлат — Совет Иттифоқи, Франция, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия бошлиқларининг кенгаш олди йиғилиши очилди. Сарой дарвозаси олдида қилич ялонғочлаган ва парад кийими кийган икки отлиқ гвардиячи қимирламасдан турибди. Елисей саройи ички ҳовлисининг икки томонида республика гвардиясининг фахрий қоровули саф тортган. Бино тепасида тўрт буюк давлатнинг давлат байроқлари ҳилпиллаб турибди.

Соат стрелкаси 11 га яқинлашади. Ҳовлига очиқ автомобилда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев кириб келади. У билан бирга ташқи ишлар министри А. А. Громико, мудофаа министри Р. Я. Малиновский, шунингдек СССРнинг Францияда элчиси С. А. Виноградов келдилар. Сўнгра, саройга Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан кириб келди. Унга ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ҳамроҳ бўлиб келди. Улардан кейин АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр, АҚШ давлат секретари К. Гертер ва мудофаа министри Гейтс келадилар. Саройга кира беришда ҳукумат бошлиқларини Франция бош министри Мишель Дебре табриклайди.

Думалоқ стол атрофидаги жойларни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Р. Я. Малиновский эгаллайди.

Франция Республикасидан президент Шарль де Голль, бош министр М. Дебре ва ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль вакил бўлиб қатнашмоқдалар. Кенгашда АҚШдан Д. Эйзенхауэр, давлат секретари К. Гертер ва мудофаа министри Гейтс; Буюк Британиядан—бош министр Г. Макмиллан ва ташқи ишлар министри Селвин Ллойд қатнашмоқда. Соат 11 да йиғилиш ўз ишини бошлади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВ ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕНЕРАЛ ДЕ ГОЛЛЬ БИЛАН УЧРАШДИ

15 майда Парижда Елисей саройида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Франция президенти генерал де Голль билан учрашди. Суҳбат юксак доирада ўтказиладиган кенгаш муносабати билан қизиқтирадиган масалаларга тааллуқли эди.

Учрашувда Совет томонидан ташқи ишлар министри А. А. Громико, Мудофаа министри Р. Я. Малиновский, СССРнинг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов; Франция томонидан—бош министр М. Дебре, ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль, Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежан қатнашдилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАТБУОТ ГРУППАСИ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВ БУЮК БРИТАНИЯ БОШ МИНИСТРИ Г. МАКМИЛЛАН БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев 15 май куннинг иккинчи ярмида Буюк Британия бош министри Г. Макмиллан билан учрашди. Суҳбат юксак доирада ўтказиладиган кенгаш муносабати билан СССР ва Буюк Британия ҳукуматлари учун ўзаро манфаатли масалаларга тааллуқли эди.

Учрашувда совет томонидан — Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Мудофаа министри Р. Я. Малиновский, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси А. А. Солдатов; Буюк Британия томонидан — ташқи ишлар министри С. Ллойд, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси П. Райли, ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Х. Миллар қатнашдилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ҲУЗУРИДАГИ МАТБУОТ ГРУППАСИ.

ФРАНЦИЯ ПАРИЖ

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевга

Қадрли Никита Сергеевич!

Париж Тошкентдан узоқда, аммо масофа жўшқин юраклар ва ёрқин фикрлар учун тўсиқ бўлолмайди. Бугун ҳам бизнинг бутун фикру-зикримиз тинчлик, озодлик ва ер юзидаги кишилар бахт-саодатининг улуғ курашчиси Сиз билан, Никита Сергеевич.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон ёшлари ҳам шармандаси чиққан Америка босқинчиларини нафратламоқдалар. Биз, Америка ҳарбийлари қўпорувчилик ва жосуслик майдонига айлантирмоқчи бўлган осмонга янги ҳаво кемаси — тинчлик даракчисининг учирилганлиги билан фахрланамиз. Бу эса совет халқи ижодий гениийсининг янги гувоҳидир.

Қадрли Никита Сергеевич! Биз, республика комсомол активи йиғилишининг қатнашчилари, серқуёш Ўзбекистоннинг ҳамма ёшлари номидан Сизга аланғали комсомол саломини йўллаймиз ва Сизга чин кўнглимиздан сиҳат-саломатлик ҳамда тинчлик, халқлар бахт-саодати йўлида олиб бораётган курашингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КОМСОМОЛ АКТИВИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ.

Совет космик йўлдош-кемасининг ҳаракати тўғрисида

Аппаратлар яхши ишламоқда ☆ Передатчик сигналларини жаҳондаги турли мамлакатлар эшитмоқда.

Совет йўлдош-кемаси Москва вақти билан соат 15 га қадар Ер атрофини 9 марта айланиб чиқди. Йўлдош-кемадан олинган телеметрик ахборот маълумотлари йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаётганлигини кўрсатмоқда. Йўлдош-кеманинг асбоблар ўрнатилган қисмида ҳам, шунингдек унинг ажратиб юбориладиган кабинасида ҳам температура ва босим белгиланган доирада сақланмоқда. 19.995 мегагерц частотада ишловчи сигнал радиопередатчиги телеграф сигналларини ҳам, телефон сигналларини ҳам ўз вақтида бериб турибди. Йўлдош-кема шу йил 15 майда Москва вақти билан қуйидаги районлар тепасидан учиб ўтади:

Сан-Франциско — соат 15-11 минут.
Лондон — соат 15-30 минут.
Мельбурн — соат 17-52 минут.
Оттава — соат 20-07 минут.

Йўлдош-кема Москва вақти билан соат 22 га қадар Ер атрофини 14 марта айланиб чиқди. Йўлдошда ўрнатилган экспериментал аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ер юзидаги қайд қилувчи станциялар қабул қилиб турибди. Қабул қилувчи марказлар йўлдошдаги передатчикларнинг сигналларини қабул қилмоқда. Олинган телеметрик маълумотлар йўлдош-кеманинг аппаратлари нормал ишлаётганлигини кўрсатмоқда. Ажратиб юбориладиган кабина жуда яхши герметизация қилинганлиги ва унинг температурани бир меёрга солиб турувчи аппаратлари кабинанинг ичида яшаш учун нормал шароитни таъминлаб беради. Йўлдош-кеманинг ҳаракатини кузатиш натижасида тўпланган маълумотлар электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилганида, йўлдош-кеманинг ҳақиқатдаги орбитаси ҳисоблаб кўрсатилган орбитага тўла равишда тўғри келганлигини тасдиқлади. Йўлдош-кема орбитаси доирага яқин бўлиб, унинг перигейи (Ер юзасига энг яқин нуқтаси) 312 километрга, апогейи (Ер юзасидан энг узоқ нуқтаси) эса, 369 километрга тенг. Йўлдош-кема Ер атрофини 91,2 минутда айланиб чиқмоқда. Сигнал передатчигидан сигналлар қабул қилинаётганлиги тўғрисида координация-ҳисоблаш марказига жаҳоннинг турли мамлакатларидан маълумотлар келиб турибди. (ТАСС).

Самимий табриклар

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Мустақил ва демократик Австрия тикланганлиги тўғрисида давлат шартномаси имзоланганлигининг беш йиллиги муносабати билан Австрия республикасининг федерал канцлери Юлиус Раабга табрик телеграммаси юборди. Бу телеграммада Н. С. Хрушчев Совет ҳукумати ва шахсан ўз номидан Австрия халқига самимий табриклар ва энг яхши истаклар йўллаган.

Н. С. Хрушчев бу телеграммада ҳар иккала мамлакат ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, Европада ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам мустаҳкамланишига умид билдиради.

Ана шу йиллик муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Австрия республикасининг федерал президенти Адольф Шерфга, шунингдек СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Австрия республикасининг ташқи ишлар министри Бруно Крейскийга табрик телеграммалари юбордилар. (ТАСС).

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг бутунармия кенгаши

11—14 май кунларида Москвада Катта Кремль саройида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг бутунармия кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш «СССР Қуролли Кучлари қурилишининг бундан буёнги вазифалари ва уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш вазифалари тўғрисида» ССР Иттифоқи Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновскийнинг докладини ҳамда «СССР Қуролли Кучларидаги партия ишларининг аҳволи ва бундан буёнги вазифалари тўғрисида» Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали Ф. И. Голиковнинг докладини муҳокама қилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, М. А. Суслов ўртоқлар қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кенгашда нутқ сўзлади. Унинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига ёзилган мактубни зўр хурсандчилик билан қабул қилдилар. (ТАСС).

СОВЕТ КИШИЛАРИНИ РУҲЛАНТИРУВЧИ КАТТА ВОҚЕА

Яна бир муъжиза

Ўтган куни радиодан Космик ракета кемаси учирилганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитдик. Бу ватандошларимиз—совет олимлари яратган яна бир ажойиб муъжизадир. Бу муъжиза барча кишилар қатори колхозимиз аъзоларини ҳам беҳад қувонтирди. Ахир бу, Ватанимизнинг фан ва техникаси ғоят юксалганидан, унинг куч-қудрати ниҳоятда ортганлигидан далолат беради!

Космик ракета кемаси Парижда юксак доирадаги кенгаш очилиши арафасида учирилганлиги соз иш бўлди. Бу билан биз дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлашга, табиатнинг сирларини тобора кўпроқ ўрганиб, бу сирларни халқ манфаатига, тинчлик манфаатига бўйсундиришга интилаётганлигимизни жаҳонга яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдик.

Колхозимиз аъзолари, жумладан бригадамиз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парваришини кун сайин кучайтириб, мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Бу — бизнинг мамлакатимизда ишчи ҳам, деҳқон ҳам, олим ва инженер ҳам—ҳамма бир тан-бир жон бўлиб янада яхши ҳаёт учун, ажойиб келажак учун сидқидиллик билан меҳнат қилаётганлигини исботловчи далилдир.

ЛИ ПОН ЧУН,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг бригадири.

Космосга чиқамиз

Куни-кеча Москва радиоси яна бир хушхабарни эълон қилди. Америкалик игвогарлар бировларнинг ерига қабиҳ мақсадлар билан разведкачи самолётлар учираётган бир пайтда заковатли олим ва инженер-техник ходимларимиз космоса 4540 килограмм оғирликдаги космик кема—сунъий йўлдошни учирдилар.

Ҳукуматимиз бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев капиталистик давлатларнинг раҳбарларига тинч мусобақалашайлик, деб қайта-қайта таклидлаб келмоқда. Бу — бутун совет халқларининг фикридир. Ахир ҳарбий харажатлар учун сарфланаётган миллионлаб маблағларни бошқа мақсадларда фойдаланиш, чунончи космос сирларини очишга сарфлаш қанчалик-ю, «совуқ уруш» оловини ёқишга интилиш қанчалик.

Сўнгги сунъий йўлдошимизнинг муваффақият билан орбитага чиққанлиги ва ундаги аппарат ҳамда установкаларнинг яхши ишлаётганлиги инсон космосни эгаллайдиган кун яқин қолганидан далолат бериб турибди.

Мен Тошкентдаги 4-мебель фабрикаси коллективи номидан космик кема ижодкорларини қизғин табриклайман.

Л. РУДЯК,
старший мастер.

Тинчлик осмон кемаси

Тўрт ярим тоннали кемани ракета ёрдами билан космосга парвоз эттиридганлиги тўғрисида ТАСС ахборотини радио орқали эшитиб, беҳад қувондим.

Совет мамлакатининг шуҳратини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатиш, фан ва техникани ривожлантириш йўлида ижодий иш қилаётган совет олимлари, мутахассислари ва инженер-техник ходимларининг космосни пухта ва кенг кўламда ўрганишни кўзда тутиб, яратган бу янги тарихий кашфиётлари дўстларимизни суюнтиради, душманларимизни эса саросимага солади.

Ер юзидаги оддий кишиларнинг орзу ва истаклари — тинчликда яшашдир. Парижда бошланган тўрт буюк давлат бошлиқларининг юксак доирадаги кенгашида халқларнинг ана шу орзу ва умидларини рўёбга чиқаришда бир фикрга келинади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Биз она юртимизни чин қалбимиздан севамиз. Унинг ерини душмандан мудофаа қилишга ҳамма вақт тайёрмиз. Агарда Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доиралар бизнинг севикли юртимизга қарши уруш бошласалар, барибир Совет Иттифоқи бошлиқ қудратли тинчлик лагерининг метиндек мустаҳкам қўрғонига урилиб, тилка-пора бўлиб кетадилар. Чунки, тинчлик иши енгилмасдир.

А. ҚОДИРОВ,
Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИНИНГ II СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон саноати инженер-техник ходимлари ва новаторларининг II съезди шу йил 18 майда эрта билан соат 10 да Навоий номли Ўзбек академик опера ва балет театри биносида очилади.

Делегатлар 16 ва 17 майда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат илмий-техника комитетида (Сталин кўчаси, 29-уй) соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Янги техника виставкаси 17 май эрталаб соат 11 да Округ офицерлар уйида очилади.

АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Совет халқи КПСС XXI съезди томонидан ижтимоий ишлаб чиқаришни ва шаҳар ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражасини ошираборишюзасидан қўйилган вазифаларни муваффақият билан амалга оширмоқда. Етти йилликнинг биринчи йили топшириқлари ортиғи билан бажарилди, иккинчи йили вазифалари ҳам ошириб адо этилмоқда. Партия ва ҳукумат эндиликда ички бозорни озиқ-овқат ва саноат товарлари билан мўл-кўл таъминлашни илгари белгиланганидан анча олдин бажариш вазифасини қўймоқдалар. Етти йиллик топшириқларининг ошириб бажарилиши натижасида қўлга киритиладиган жамғармалардан ана шу мақсадда кенг фойдаланилади.

Партия ва ҳукумат социалистик экономиканинг ҳамма соҳаларини зўр бериб юксалтириш асосида меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган янгидан-янги тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган доклади ва СССР Олий Советининг «Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқлар олишни бекор қилиш тўғрисида», «Ҳамма ишчи ва хизматчиларни етти ва олти соатлик иш кунига кўчиришни 1960 йилда тугаллаш тўғрисида» қабул қилган Қонунлари, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрилган тадбирлар бунинг яққол далилларидир. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожлана борган сари меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳам тобора яхшилана боради.

Ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларнинг бекор қилиниши социалистик тузумнинг мустаҳкамлигини, унинг капитализмга қарағанда қанчалик катта афзалликларга эга эканлигини тасдиқловчи янги далилдир. Ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулкка айлантирилган социализм шароитидагина меҳнаткашларнинг мана шундай азалий орзу-умидларини амалга ошириш мумкин.

Буржуа давлатлари бундай тадбирни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто уни ўз олдиларига вазифа қилиб ҳам қўёлмайдилар. Бунинг сабаби маълум. Буржуа давлати меҳнаткашларни эзиш қуроли бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги капиталистик дунёда ишлаб чиқарувчи кучлар монополияларга, уларнинг ҳаддан ташқари бойишларига хизмат қилмоқда. Масалан, сўнгги 20 йил ичида АҚШ давлат бюджетида солиқлардан тўпланадиган жамғарма 8 баравар, Англия бюджетида 5,5 баравар кўпайди.

Социалистик жамият шароитида яратилаётган моддий бойликлар шу меҳнаткашларнинг ўзларининки ҳисобланади ва фақат шуларнинг манфаатлари йўлида сарфланади. Бу жамиятда миллий даромад ижтимоий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг техника базасини такомиллаштириш учун, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг ҳар томонлама фаровонлигини ошириш учун сарф қилинади. Ўз табиати билан социализм ўзгаларнинг меҳнатини ўзлаштиришни ва текинхўрларча истеъмол қилишни рад этади. Социализмнинг принципи: «ишламаган тишламайди».

Социалистик тузумнинг афзаллиги жамият миллий даромадининг капитализм шароитида сира кўрилмаган даражада тез суръатлар билан ўсишини таъминлайди. Масалан, 1959 йил СССРда миллий даромад аҳоли жон бошига ҳисобланганда 1913 йилдагига нисбатан 16 марта ошди, АҚШ, Англия ва Францияда эса атиги салкам икки баравар кўпайди. Бизнинг мамлакатимизда паразитларча ҳаёт кечирадиган эксплуататор синфлар йўқ, шунинг учун ҳам бизда жамғарма ва халқ истеъмол ресурслари шу қадар тез кўпайди.

Социалистик жамиятнинг давлат бюджети капиталистик мамлакатлардагига қараганда мутлақо бошқача принциплар асосида вужудга келади. Бу ерда меҳнаткашлар ўзлари вужудга келтирган миллий даромаднинг маълум бир қисмини ўз давлатлари ихтиёрига, унинг марказлаштирилган фондига топширадилар. Бу маблағлар хусусий кишиларнинг бойиши учун сарфланмайди, балки саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини планли равишда ривожлантириш учун, меҳнаткашлар моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш учун ҳамда давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун сарфланади. Корхоналар ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумхалқ мулки бўлганлиги сабабли давлатнинг марказлаштирилган фондига жамғарма тўплаш ҳам асосан социалистик хўжаликдан келаётган даромадлардан ташкил топади. 1960 йили бундай даромадлар 703 миллиард сўмни ёки СССР Давлат бюджетининг ҳамма ресурсларининг 90,9 процентини ташкил этади. Бюджетимизнинг жуда оз қисмигина аҳолидан олинадиган солиқлардан ташкил топади.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг, миллий даромаднинг, социалистик хўжалик жамғармаларининг тез ўсабориши муносабати билан давлат марказлаштирилган фондида аҳолидан олинадиган солиқлар ҳисобига тўпланадиган маблағнинг миқдори қонуний равишда камая боради. Социалистик корхоналар жамғармалари кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришнинг ва меҳнаткашларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришни таъминлашнинг асосий, ҳал қилувчи манбаи бўлиб қолган шароитда аҳолидан солиқлар тўплаш ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади.

Шуни айтиш керакки, аҳолидан солиқлар олиш йўли билан миллий даромадни қайта тақсимлаш социалистик тузумнинг табиатидан келиб чиқмайди. Бу иш социализмнинг объектив иқтисодий қонунларидан ҳам келиб чиқмайди. Лекин Совет ҳукумати бюджет маблағлари тўпланишнинг бу воситасидан мамлакатимизда социализм қурилишини кенг авж олдириш манфаатлари йўлида фойдаланишга мажбур бўлди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўсаборган сари, миллий даромад кўпаяборган сари социалистик хўжаликлар жамғармалари кўпая борди ва давлат бюджетида аҳолидан олинадиган солиқлар ҳисобига тўпланадиган маблағ ҳиссаси камаяборди. Ишлаб чиқаришни ривожлантираборишга, техника прогрессини тезлаштираборишга ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини тез ошираборишга натижасида ушбу етти йилликда, 1960 йилдан бошлабоқ ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқлар олишни бекор қилишга киришиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Баъзи ўртоқлар ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларини улардан олинаётган солиқ миқдорида камайтириш йўли билан уларни бутунлай солиқдан озод қилиш тўғрисида таклиф киритдилар. Бу таклифни амалга ошириш мумкин эди, шундай қилинса, корхона ва муассасаларнинг ҳисоб-китоб аппаратларини қисқартириш ҳисобидан давлат маълум миқдорда иқтисодий фойда кўрган бўлур эди. Аммо масаланинг бундай ҳал этилиши умуман солиқларни бекор қилиш проблемасига даҳли бўлмас ва меҳнаткашларга сезиларли даражада иқтисодий фойда бермас эди. Партия ва ҳукумат ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни ҳамда бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали гражданларга солинадиган солиқларни астасекин бекор қилиш ва айни вақтда уларнинг иш ҳақларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Иш ҳақининг энг кам миқдорини етти йилликда ойига 500—600 сўмга етказиш тадбирини амалга ошириш билан бирга шу тоифадаги гражданлардан солиқ олишнинг бекор қилинишиҳам кам иш ҳақи олаётганлар билан кўп олаётганлар ўртасидаги тафовутни камайтиришга олиб келади. Бу тадбирни амалга оширишда шу пайтгача бўланидек, бундан буён ҳам социалистик жамият аъзоларининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдор бўлишидан иборат Ленинча принципга қатъий риоя қилинади. Иш ҳақи даражасини тенглаштираборишга зарурати икки асосий сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, уруддан кейин турли категориядаги ходимларга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари катта фарқ бужудга келиб қолди. Иккинчидан, социалистик жамиятнинг олга томон ривожланиши натижасида аҳолининг маданий техника даражаси ўсади, ходимларнинг ишлаб чиқариш малакаси ошади, булар эса меҳнатга ҳақ тўлашдаги тафовутларни аста-секин камайтираборишни объектив равишда талаб қилади. Мана шу тенденция келажакда коммунистик тартибда истеъмолга яраша тақсимлашга ўтишнинг энг муҳим шароитларини беради.

Шундай бир савол туғилиши мумкин: «ишчи ва хизматчиларни солиқдан озод қилинса, колхозчилар қандайдир ноқулай аҳволда қолмайдиларми? Йўқ. Бундай аҳвол юз бермайди. Гап шундаки, колхозчилар ҳозирнинг ўзида ҳам колхоз жамоат хўжалигида ишлаб топаётган даромадларидан солиқ тўламайдилар. Давлат бюджетининг ташкил топиши масаласига келганда эса, колхозлар бюджетга ижтимоий корхоналар сингари ўз даромадларининг маълум қисмини қўшмоқдалар.

Ҳозирги пайтда ёрдамчи хўжаликлар колхозчиларнинг қўшимча даромад манбаидир. Бу, бозорда вужудга келаётган нарх бўйича маҳсулот чиқариш билан маълум даражада боғлиқдир. Шунинг учун ҳозирча томорқадан солиқ олинаётир. Томорқадан солиқ олиш колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва колхозчиларнинг ўз шахсий хўжаликларидан оладиган даромадларини тартибга солиб туришга хизмат қилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, 1953 йили қишлоқ хўжалик солиқлари 2,5 баравар камайтирилган. Бундан буён, колхозлар ижтимоий хўжалигининг ўсабориши ва ёрдамчи хўжаликнинг иқтисодий роли камаяборишини муносабати билан умуман қишлоқ хўжалик солиқлари солишга аҳтиёж қолмайди.

Шаҳар ва қишлоқда социалистик ишлаб чиқаришнинг ўсабориши муносабати билан аҳолидан солиқлар тўплашни бутунлай бекор қилиш масаласи мана шундай аста-секин ҳал қилинади. Халқ моддий фаровонлигини ҳар томонлама муттасил ошираборишни таъминлаётган социалистик тузумнинг афзалликлари мана шунда намоён бўлмоқда.

Солиқларни аста-секин бекор қилиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш билан бирга партия ва ҳукуматимизнинг нархлар миқёсини ўзгартириш ва ҳозир муомаладаги пулларни янги пулларга алмаштириш тўғрисида қабуд қилган қарори ҳам социалистик экономикани муваффақиятли ривожлантириш ва халқ моддий турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу тадбир хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, иқтисод режимини кучайтиришга, халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини соддалаштиришга, совет сўмининг харид қувватини оширишга хизмат қилади.

Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги шароитда партия ва ҳукумат меҳнаткашлар турмушини яхшилашга қаратилган тадбирларни тобора кенг кўламда амалга оширмоқдалар. Ҳамма ишчи ва хизматчиларни етти ва олти соатлик иш кунига кўчиришнинг 1960 йилда тугалланиши бунинг ажойиб ифодасидир.

Капитализм дунёсида ишчилар синфи иш соатини камайтириш учун кескин кураш олиб боришга мажбурдир. Лекин бу соҳада капиталистлар мажбуран оз-моз енгиллик берсалар ҳам, бироқ оқибат натижада бу енгилликдан кейин меҳнат интенсивлиги оширилади, ишлаб чиқаришда шикастланиш кўпаяди, истеъмол буюмларининг нархи оширилади, реал иш ҳақи камаяди. Социалистик давлатимиз ишлаб чиқарувчи кучлар эришган даражага таяниб, халқ хоҳишини ифодалаб изчиллик билан иш куни ва иш ҳафтасини камайтириб келмоқда. Совет давлати ўз олдига ҳамма чоралар билан меҳнатни енгиллаштириш ҳамда жамият аъзоларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишлари учун шароит яратиш вазифасини қўйган.

Бизда ҳозир иш кунини қисқартиришнинг энг ажойиб хусусияти шундан иборатки, бу тадбир иш ҳақини камайтирмасдан амалга оширилаётганлигидан ташқари айни вақтда саноат ва қурилишда янги, оширилган ставка ва маошлар жорий қилинаётган бир шароитда ўтказилади.

Социалистик жамият иш кунини қисқартириш билан меҳнат интенсивлигини оширишга интилмайди, аксинча меҳнат шароитини тобора кўпроқ енгиллаштириш ва меҳнат муҳофазасини яхшилайборишга интилади. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги оширила боради. Бунга ишлаб чиқаришда техника ва технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш, энергетика базасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенг кўламда ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини яхшилаш, ходимларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш йўли билан эришилади.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган лекин ҳали ишга солинмаган резервлар бизда жуда кўп. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, корхона ва қурилишларда ускуналардан максимал фойдаланиш ва моддий техника таъминотини яхшилаш, илғор иш усулларини кенг кўламда оммалаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳоказолар ана шундай катта резервлардир. Тахминий ҳисобларга кўра халқ хўжалиги кенгашлари саноат корхоналарида иш вақтида бекор туришларни йўқотишнинг ўзи қўшимча равишда йилига тахминан 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Иш кунининг қисқартирилиши халқ турмуш шароитини яхшилашнинг муҳим факторигина эмас, балки шу билан бирга у меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг ҳам энг муҳим факторидир. Социалистик ишлаб чиқариш техника даражасининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги меҳнаткашлардан техника савиясини мунтазам ошираборишни, ҳозирги замон илмий техника билимлари асосини эгаллашни, илғор иш тажрибаларини билишни қатъий талаб этаётир.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи дунёда энг қисқа иш куни ва энг қисқа иш ҳафтаси ўрнатиш, дунёда энг юқори турмуш даражасига эришиш сари комил ишонч билан дадил бормоқда.

А. КОРЯГИН,
иқтисод фанлари кандидати.

Ҳали яқиндагина ўз ишини тугатган СССР Олий Совети сессияси умумхалқ манфаатларини кўзлаб, турмушимизни янада ширин қиладиган муҳим масалаларни кўриб чиқди, — деди Тошкентдаги 1-тикув фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Пўлатой Мирзоҳидова. — Сессия иш ҳақимиздан солиқлар олишни бекор қилиш, ҳамма ишчи-хизматчиларни шу йилиёқ олти ва етти соатлик иш кунига кўчиришни тугаллаш тўғрисида Қонунлар чиқарди. Бу — фақат бизнинг мамлакатимизда, коммунизм сари шаҳдам қадамлар ташлаб кетаётган Советлар элида амалга оширилиши мумкин.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг ана шу отаоларча ғамхўрлигига жавобан янада унумли меҳнат қилиш, браккa барҳам бериш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишга аҳд қилдик. Шахсан мен ўзим кундалик топшириқни 140—150 процентга етказиб адо этаяпман. Кўндан кўён қочиб қутилмас, дейдилар. Модомики, биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган эканмиз, зиммамизга олган юксак мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Бундан буён ҳам меҳнаткашларимизнинг юксак дидига мос келадиган, уларга манзур бўладиган кийим-кечакларни кўплаб тайёрлашда билимимиз, куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Суратда: ўртоқ П. Мирзоҳидова иш устида.
А. Заблоцкий фотоси.

Орзуларимиз руёбга чиқмоқда

«Олижаноблик, фақат олижаноблик». Уйда бўлмасин, иш устида бўлмасин, йўлда, трамвайда бўлмасин, кечагина ўз ишини тамомлаган давлатимиз парламенти қабул қилган қарорларни мулоҳаза қилар экан, Маҳмуд ака хаёлидан шу фикр кечади.

Маҳмуд Расулев Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасида қариб чорак асрдан бери меҳнат қилади.

— Қиладиган ишим жуда оддий, кўзга кўринарли ҳам эмас; навбатчи слесарман. Ойига 500 сўм маош оламан. Ҳукуматимиз кеча-кундуз бизни ўйлаб, турмушимизни яхшилашга, ҳаётимизни ширин ва лаззатли қилишга ҳаракат қилаётганлигини ҳар нафас сезиб келмоқдаман, — дейди 57 ёшлик бу кекса ишчи.

СССР Олий Совети V сессияси чиқарган Қонунга биноан иш ҳақи ойига 500 сўмгача бўлган ишчи ва хизматчилардан олинадиган даромад солиғи, бўйдоқ гражданлар тўлайдиган солиқ шу йилнинг 1 октябридан бошлаб тўхатилади. Бу деган сўз — Маҳмуд ака ва у қатори ойлик оладиган меҳнаткашлар йилига одатдагига қўшимча қилиб 300 сўмдан кўп маблағ олади. Ёлғиз, бўйдоқ, кам болали гражданларнинг йиллик бюджетларига эса бунинг устига яна 360 сўм кўпроқ пул қўшилади.

Шу фабриканинг ипак пишитув цехида Маҳмуд аканинг келини Замира Расулева ҳам ишлайди. Замира ойига 650—700 сўм ва ундан ҳам ошириб маош олади. Янги Қонун амалга оширилгач, Расулевлар оиласи йилига одатдаги қиладиган даромадидан тахминан минг сўм кўпроқ пул олади. Бугина эмас. Кам маош олувчиларнинг иш ҳақи тинмай оширилиши, шу йилнинг охиригача қисқартирилган иш кунига ўтишнинг тугалланиши, давлатдан бериладиган бошқа ёрдамларчи! Буларнинг ҳаммаси оддий совет гражданларининг турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлидаги тадбирлар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу ғамхўрлиги фабрика ишчиларининг меҳнат кўтаринкилигини бениҳоя ошириб юборди, ғайратига ғайрат қўшди.

— Биз кечираётган ҳаётга ҳамманинг ҳаваси келмоқда. Энг яхши эзгу-орзуларимиз рўёбга чиқаётир, коммунистик жамиятнинг нурли чўққилари ёркин кўринаётир, — дейди коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган коллективнинг бошлиғи мастер ёрдамчиси Исмат Тожиев. Унинг бригадасида ишлаётган 6 қизнинг ҳаммаси Олий Совет сессияси қарорларини кизғин маъқуллади. Қизларнинг ҳар бири янги қонун амалга оширилиши билан ойига 100 сўм ва ундан ҳам кўп фойда кўрадиган бўлади. Бундай ғамхўрликка жавобан қизлар қуилик нормани 130—140 процентга етказиб бажариш, йил охиригача Ленин вахтасида туриб ишлашга аҳд қилдилар.

С. МУСАЕВ.

Улуғ ғамхўрликнинг янги далили

Радио мамлакатимиз вакилларининг улуғ мажлисидан ҳукуматимиз бошлиғи азиз Н. С. Хрушчевнинг Олий Совет сессиясида қилган докладини эшиттирётган пайтда ҳамманинг диққат-эътибори радиоприёмникларга қаратилган эди.

Никита Сергеевич Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткашлар фаровонлигини тинмай ошириш юзасидан қилаётган катта ишлари ҳақида тапирганда ҳаммамизнинг қалбимиз бирдамлик туйғулари билан тепарди. Халқ оммасининг вакиллари — депутатлар муҳокамасига қўйилган ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳамда совет халқининг фаровонлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирлар ҳақида сўз борганида эса қувончимизга сигмай кетдик. Чунки бу ажойиб тадбирлар партия ва ҳукуматимизнинг халқпарварлик табиатидан келиб чиқаётган, совет кишиларининг ҳаётини яна ҳам фаровон қилишга қаратилган тадбирлардир.

Биз, сўмимизнинг қадр-қимматини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги оқилона тадбирни бутунлай қўллаб-қувватлаймиз.

Биз, зиёлилар партия ва ҳукуматимизнинг ана шу ғамма ғамхўрликларини ҳар куни, ҳар соат сезиб, билиб ва уларнинг ажойиб самараларидан бахраманд бўлиб турибмиз. Ахир бизнинг стипендия олиб ўқишимиз, муҳташам биноларда, илм-фан чашмалари бўлган кутубхона, лабораторияларда, аудитория ва бошқа жойларда таълим олишимиз, етук олимлардан ўрганишимиз — буларнинг ҳаммаси давлатнинг қанча-қанча маблағлари эвазига бўлаётганини яхши англаймиз.

М. БОБОХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг аспиранти.

ХАЛҚЛАР АГРЕССОРЛАРНИ ТИЙИБ ҚЎЯОЛАДИЛАР!

☆ ☆

Совет ҳукуматининг Эрон ҳукуматига баёноти

14 майда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин Эроннинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Т. Одамиятни қабул қилди ва СЕНТО йўли билан шу йил 14 майдан 18 майга қадар «Шаҳбоз II» деган номда ўтказилмоқчи бўлган ҳарбий ҳаво маневрлари муносабати билан унга Совет ҳукуматининг баёнотини топширди.

Баёнотда айтиладики, Эрон ҳукумати АҚШ, Англия, Туркия ва Покистонга шу маневрлар вақтида Эрон осмонидан фойдаланишга рухсат берганлиги Совет ҳукуматига матбуотда эълон қилинган хабарлардан маълум бўлиб қолди.

Совет ҳукуматининг баёнотида уқтириб айтиладики, «Бошқа давлатларнинг суверенитетини ва чегаралари дахлсизлигини бузишни, жосуслик ва диверсиялар қилишни ўзининг давлат сиёсати, деб эълон қилган АҚШ сингари давлатга СССР билан чегарадош мамлакат осмонидан фойдаланиш имконияти бериб қўйилганлигини СССР хавфсизлигига тўғридан-тўғри қарши қаратилган ва амалдаги Совет-Эрон шартномаларига зид бўлиб тушаётган душманлик иши деб ҳисобламаслик мумкин эмас». (ТАСС).

Норвегия ҳукуматига Совет ҳукуматининг норозилик нотаси

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 13 майда Норвегиянинг СССРдаги элчиси О. Х. Гундерсенни қабул қилди ва Америка разведкачи самолетининг СССР доирасига бостириб кирганлиги муносабати билан Совет ҳукуматининг норозилик нотасини унга топширди.

Совет ҳукумати Совет Иттифоқи доирасига бостириб киришга тайёргарлик кўриш ҳамда бостириб кириш учун чет эл ҳарбий самолётларига Норвегия территориясидан фойдаланиш имконияти берилганлигига қарши Норвегия ҳукуматига норозилик билдиради.

Совет ҳукумати, агар бундай ғирромларлик ҳаракатлари Норвегия территориясидан яна такрорланадиган бўлса, у вақтда жавоб тариқасида тегишли чоралар кўришга мажбур бўлади, деб огоҳлантиради. (ТАСС).

Швейцария ҳукуматига Совет ҳукуматининг норозилик нотаси

СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин 13 майда Швейцариянинг СССРдаги элчиси А. Цендерга Швейцария маъмурларининг Швейцариядаги совет элчихонаси ходимларига нисбатан қилган ғирромларча хатти-ҳаракатларига қарши Швейцария ҳукуматига Совет ҳукуматининг норозилик нотасини топширди.

Нотада кўрсатиб ўтиладики, Швейцария полициясининг Цюрих шаҳридаги органлари 10 майда Швейцариядаги совет элчихонасининг икки ходимини гўё йўл қўйиб бўлмайдиган фаолият учун ҳеч қандай асоссиз ушлаб, тергов қилганлар. Аммо маъмурлар ана шу бемаъни айбларга ҳеч қандай далил кўрсата олмаганлар. СССР элчихонасининг шофери 11 майда Берн шаҳрида қамоққа олиниб, тергов қилинган.

Совет ҳукумати шу фактга эътиборни жалб этадики, Америка Қўшма Штатлари авиациясининг Совет Иттифоқига қарши қилган агрессив ҳаракатлари бутун дунё олдида фош қилинганидан кейин Америка ҳукумати ва Америка разведка хизмати дучор бўлган жанжалли аҳволдан жаҳон жамоатчилиги эътиборини қандай бўлмасин четга тортиш учун Вашингтонда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошладилар.

Худди мана шундай бир пайтда, деб кўрсатиб ўтилади нотада, Швейцариянинг полиция маъмурлари совет элчихонаси ходимларига нисбатан кўпол айбларни қўйиб, уларга қарши очиқ ғирромларликни ташкил қилишдан иборат ҳунук ролни ўз зиммаларига олдилар. (ТАСС).

Тинчлик—шиоримиз

Чирчиқ шаҳридаги Марказий кутубхонанинг ўқув зали шаҳар маданият ходимлари билан гавжум. Бу ерга улар Америка самолетининг СССР осмонига ғирромларлик мақсадида бостириб кирганлиги, шу муносабат билан агрессорларни жиддий огоҳлантириш масалалари муҳокамасига йиғилишган. Шаҳар ижроия комитети маданият бўлимининг ходими ўртоқ Васильев СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикоинг матбуот конференциясидаги баёнати ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг совет ва чет эл журналистлари билан қилган суҳбати юзасидан қисқача ахборот бериб йиғилишни очади.

— Биз, тинч, фаровон яшамоқдамиз, бизнинг экономикамиз ҳам, маданиятимиз ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, ўзимизнинг Чирчиқ шаҳрини олайлик. Ахир кун сайин гуллаб-яшнаётган бу социалистик шаҳарчани яқиндагина барпо этилган деб бўладими. Шаҳарда яқин 3—4 йилнинг ўзидагина қанчақанча уй-жой, маданий муассаса бинолари қад кўтарди., саноат корхоналарининг тармоқлари кенгайди. Бизнинг бу муваффақиятимизни кўролмаётган империалистлар ҳар қандай пасткашликка бориб, гинч, осойишта яшашимизга раҳна солишга уринмоқдалар,—газаб билан гапиради шаҳардаги 4-кутубхона мудири ўртоқ Пристакова,—аммо агрессорлар бу ёвуз ишлари учун тегишли жазо олишлари керак.

Кутубхонанинг доимий китобхони «Чирчиксельмаш» заводининг ишчиси ўртоқ Исаев бундай деди:

— Ватанимиз осмонига қора ният билан учиб ўтган самолётнинг ҳамма сирлари рўй-рост фош этилди. Эндиликда Америка Қўшма Штатларининг тинчтотув яшаш принципини бузишга уринаётганлигини бутун дунё кўриб турибди. Жаноб америкаликлар! Сизлар ўзларингизнинг бу ҳаракатингиз билан жаҳондаги барча тинчликсевар инсонларни газабга келтирдингиз. Бу газаб сизларнинг ҳар қандай ёвуз ниятингизни ер билан яксон этади.

С. НОСИРОВ.

Қирғиз санъати ҳафталигининг якунловчи концерти

Санъат халқларни яқинлаштиради. Қирғиз санъатининг Ўзбекистондаги ҳафталиги самимий қардошлик учрашувлар билан нишонланиб, бу сўзларнинг тўғри эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Қадрли меҳмонларнинг концертлари кўп қиррали совет санъатининг келажаги ҳақида, унинг бундан буёнги тараққиёт йўллари ҳақидаги самимий суҳбатлар меҳмондўст ўзбек санъати арбоблари, Тошкент ва Чирчиқ саноат корхоналари ва транспорти коллективлари хотирасида узоқ сақланади.

Ҳафталикнинг биринчи кунидагидек 16 майда ҳам Навоий номли ўзбек академик опера ва балет театрининг катта зали томошабинлар билан лиқ тўлди. Жамоатчилик вакиллари, ишлаб чиқариш новаторлари, ўзбек санъати, адабиёти ва фанининг арбоблари қардош қирғиз халқининг санъати байрамидан иборат якунловчи концертга тўпландилар.

Люстралардаги чироқлар секинаста ўчади. Саҳна очилади. Залда тошкентликларга ёқиб қолган қирғиз миллий балети «Чўлпон»нинг куйлари янграйди. Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Жакобоева, солистлар Р. Чокаева, У. Сарбагишев, Б. Суслов, С. Абдужалилов, С. Воеводкин ва бошқа артистлар ўзбек томошабинига ўзларининг ажойиб рақс маҳоратларини намойиш қиладилар.

Якунловчи концертнинг дастлабки номерларидёқ қирғиз музика санъатининг жуда кўп томонлама ривожланаётганлигини кўрсатди. Артистлар халқ куйларини ҳам, музиканинг улуғ мастерлари яратган классик куйларни ҳам бемалол ижро эта оладилар. Солистлардан О. Мартиросова, Н. Рузавин ва В. Королев Вердининг «Аида» операсидан парча ижро этадилар. Уларнинг кетидан саҳнага Власов, Малдибоев ва Ференинг Шарқдаги машҳур операси «Ойчўрек»нинг қаҳрамонлари чиқадилар. Бу гал республика халқ артисти К. Чодронов, хизмат кўрсатган артистлардан И. Деркинбоева, С. Токтоналиев ва қирғиз опера театрининг бошқа солистлари юксак саҳна маҳорати ва ширали овозларини намойиш қилдилар.

Концертнинг программаси хилмахилдир. Номерлар ўрнини номерлар эгаллайди. Қирғизистоннинг ажойиб қўшиқлари янграйди, «Москва гимни», «Солдат, куйлай бер» қўшиқлари, Листнинг романси, Украинанинг лирик қўшиқлари ижро этилади. Буларни Қирғизистон ССР халқ артисти М. Маҳмутова, хизмат кўрсатган артистлар А. Мирзабоев, А. Жумабоев ижро этадилар.

Қирғиз халқининг хореографик санъати гўзал ва жозибалидир. Концерт кечасида бу нарса яққол намойиш қилинди. Театр залидаги томошабинлар солистка Р. Чокоева ва унинг партнерлари У. Сарбагишев ҳамда А. Карасевга гулдурос қарсаклар чалдилар. Улар композитор Аданнинг «Жизель» балетидан паде-де ва Гунонинг «Вальпургий кечаси» балетидан адажио ижро этдилар.

Қирғиз халқи ўз авлод-аждодининг ижодий меросини авайлаб сақламоқда. Т. Сотилганов номли қирғиз давлат филармонияси қўбизчилари ансамблининг чиқишлари бундан далолат бериб турибди.

Концерт туғайди. Меҳмонларга гулдасталар тақдим қилинади. Томошабинлар қардош Қирғизистондан келган дўстларни гулдурос, узоқ давом этган қарсаклар билан табриклайдилар.

Концертга Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Жумахматов дирижёрлик қилди.

Концертда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, З. Р. Раҳимбоббоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат К. М. Муртазоев ҳозир бўлдилар.

Залда Қирғизистон Маданият министри К. К. Кондучалова ва Ўзбекистон Маданият министри С. М. Муҳамедов бор эди.

Қирғизистон артистларининг якунловчи концерти Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг, партиямиз доно ленинча миллий сиёсати тантанасининг янги ёркин намойишига, СССР халқларининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти мавж уриб ривожланаётганлигининг намойишига айланди. (ЎзТАГ).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ 17 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

Ғўзани эрта озиқлантириб, унинг соғлом ривожланишига эришайлик!

Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг ўртоқ А. Полюнина бошлиқ бригада аъзолари ғўзанинг биринчи парваришини тамомладилар. Суратда: (чапда) ўртоқ Борис Шеремет. У олди карталарда иккинчи культивацияни бошлаб юборди.

В. Салов фотоси.

☆ ☆ ☆

Озиқлантириш ва яганалаш кечикмоқда

Киров номли совхоз йирик пахтачилик хўжалиги бўлиши билан бирга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг базаси ҳамдир. Совхозда пахтачиликни ҳар тарафлама ривожлантириб ҳосилни йилдан-йилга ошириш учун ҳамма имконият мавжуд. Бироқ совхоз ўтган йили резервлардан тўғри фойдаланмади. Ғўза парвариши кечиктириб юборилди. Айрим карталарда белгиланган миқдорда кўчат бўлишига эришилмади. Оқибатда пахта тайёрлаш плани бажарилмади.

Совхоз коллективининг бу йилги мажбурияти ҳам юксак. Давлатга 8900 тонна пахта топшириши зарур. 4250 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,2 центнердан ҳосил олинсагина бу мажбурият бажарилади. Бунинг учун гектаридан олинадиган ҳосил ўтган йилга нисбатан 4,5 центнерданга кўпайтирилиши керак.

Чигит ернинг ўз намига текис ундириб олинди. Лекин ғўза парваришига келганда иш жиддий оқсамоқда. Областда биринчи цикл парваришни тугаллаш учун белгиланган муддат тугади. Бу совхозда эса техника ўз вақтида тайёрлаб қўйилмаганлиги сабабли, ғўзани узунаси ва кўндалангига культивация қилиш ғоят судралаётир. 92 трактордан атиги 78 таси ишламоқда. Шуларни ҳам ялчитиб ишлаяпти, деб бўлмайди.

Тракторчилар ўртасида меҳнат тўғри ташкил қилинмаган, техника ёрдами қониқарсиз, айрим трактор-лар бир неча соатлаб бекор туради. Ҳатто далада куни бўйи жойидан қўзғалмаган тракторларни ҳам учратиш мумкин. Кўп механизаторлар белгиланган нормани бажараётгани йўқ. Культивация сифатсиз, саёз ўтказилмоқда. 3-бўлимнинг Султонов, Пяк ўртоқлар бошлиқ бригадаларида атиги 4—6 сантиметр чуқурликда культивация қилинган майдонлар жуда кўп. Бундай фактни бошқа бўлимларда ҳам учратиш мумкин.

Ғўза ёшлигида озиқлантирилса тез ривожланиб, мўл ҳосил тўплашини совхоз директори А. Турсунбоев, бош агроном Г. Отабоев ўртоқлар ҳам эътироф этишади. Ҳаммаси ғўзани албатта озиқлантириб культивация қилиш ҳақида буйруқ ҳам ёзганлар. Мана энди шу буйруқнинг ижросини кўринг. 888 гектар ердаги ғўза озиқлантирилмасдан культивация қилинибди. Ўртоқ Пак Геннадий бошлиқ 2-бўлимда 787 гектар культивация қилинган майдондаги ғўзадан 407 гектаридагиси озиқлантирилмаган. Агротехникага хилоф бўлган бу ишга кескин зарба берилмаганлиги туфайли озиқлантирмасдан культивация қилиш хамон давом этмоқда.

2-бўлимнинг ўртоқ Аббосов бошлиқ бригадасида бўлганимизда, бригада бошлиғи «ғўзани ёшлигида озиқлантираяпмиз» деб мақтанди. Текшириш натижасида бригада бошлиғининг нотўғри гапиргани билиниб қолди, аммо у ўз сўзидан ҳижолат бўлмади. 4 тракторнинг СУЗлари бўш, тракторчи Усмонов бригада бошлиғи ва бўлим агрономи Кимнинг кўрсатмасига мувофиқ ғўзаси маржондек тизилиб турган 30 гектарлик картада кўндалангига эмас, узунасига культивация қилаётир. Тракторчи ўртоқ Югай эса катта картада иккинчи марта культивация ўтказаяпти-ю, лекин озиқлантиришни у ҳам «унутган».

Ғўзани эрта озиқлантирганда кўндаланги ва узунасига культивация қилиш билан бир вақтда ўғит солинсин, деган кўрсатма ўртоқ М. Ҳайдаров бошлиқ бўлган 1-бўлимда қўпол равишда бузилаётир. 244 гектар ердаги ғўзани озиқлантирмасдан культивация қилгани совхоз директори ўртоқ Турсунбоевга ҳар куни топшириладиган сводкадан равшан кўриниб турибди. Лекин у, ўзбошимчалик билан иш тутаётган бўлим бошқарувчиларига чора кўриш ўрнига, бош агроном билан ади-бади айтишиш билан кифояланаяпти,

Совхозда ғўзани яганалаш ҳам жуда суст. Бўлимлар у ёқда турсин, ҳатто биронта бригадада ҳам ягана, букетлаш тугалланмаган. Совхоз директори букетлашни 20 майгача тугалласак марра бизники, деган кайфиятда юрипти.

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхозда буйруқбозлик кучайиб, аммо шу топшириқларнинг бажарилмай, қоғозда қолиб кетаётганлиги ачинарлидир.

Ш. КУЗАНБОЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Кетмон ишлатмасдан

Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг коммунист ўртоқ Норқўзи Бўрибоев бошлиқ бригадасида 120 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари ҳамма майдонларда чигитни бир текисда ундириб олиб, ғўза парваришини қизғин бошлаб юбордилар. Ҳозир культивация билан бирга озиқлантириш ҳам ўтказилаётир.

Бригада аъзолари мўл ва арзон ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Бунинг учун, дейди бригадир ўртоқ Бўрибоев, ғўзани кетмон ишлатмасдан парвариш қиламиз. Культивация, озиқлантириш, яганалаш ўқариқлар олиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, ғўзани машина теримига мослаб ўстирамиз. Етиштирилган ҳосилни терим агрегатларида йиғиб оламиз.

Шу кунларда бригада аъзолари яганалашни қизитиб юбордилар. Улар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш учун курашиб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

Т. ИМОМОВ.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхоз. Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз раҳбарлари ғўза парваришида техникадан тўла ва унумли фойдаланишни таъминламоқдалар.

(Қишлоқ мухбирлари хабарларидан)

МЕХАНИК — Ўртоқ ранс, қўшни колхозга ўтиб техникадан қандай фойдаланаётганликларини текшириб келсак қандай бўлар экан-а?

РАИС — Э, бошни қотирма ука, бугун биз уларни текширсак, эртага улар бизни текшириб шармандамизни чиқаради.

А. Холиқов чизган расм.

АҲОЛИГА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(Медицина ходимларининг область активи йиғилишидан)

Халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фаолиятининг олий қонунидир. Шу йилнинг 14 январида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР аҳолиси соғлигини муҳофаза қилиш ва медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш чоралари ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Бундан бир неча кун илгари эса СССР Олий Советининг V сессияси халқ фаровонлигини ошириш, совет кишиларининг моддий ва маиший турмушини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилади.

Бу йил Тошкент областининг ўзида соғлиқни сақлаш ишлари учун 186 миллион сўм ажратилди. Биргина бизнинг областимизда 1085 врач ва деярлик бундан беш баробар кўп ўрта маълумотли медицина ходимлари меҳнаткашлар соғлигини сақлаш фронтида ишламоқда. Касалхона ва поликлиника тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда, соғлиқни сақлаш ишлари эса яхшиланаётир. Областимизнинг кўпгина колхозлари ўз касалхоналари ва амбулаторияларига эга. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Цой) артелнинг бўлинмас фонди ҳисобидан касалхона шаҳарчаси бунёд этилди. Бу ерда туғруқхона, касалхона, аптека, амбулатория, врач ҳамда медицина ҳамширалари учун турар жойлар бор. Колхоз фақатгина касалхонани ускуналаш учун 200 минг сўм ажратди. Шу райондаги «Политотдел» колхози дам олиш уйи, тунги профилакторий, болалар яслилари қурди. Районда колхозлараро сил касалликлари санаторийси, колхозлараро касалхона қурилмоқда. Бекобод районидаги Дзержинский номли, Янгийўл районидаги Ленин номли, Оржоникидзе районидаги «Маданият», Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик артеллари соғлиқни сақлаш ишларини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган область медицина ходимлари активи йиғилишида доклад қилган область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Б. Ҳошимов** ва музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқлар шу факт ва рақамларни таъкидладилар.

Шу билан бирга актив йиғилишида аҳолига медицина хизмати кўрсатишда йўл қўйилаётган камчиликлар борлиги ҳам қайд қилиб ўтилди.

— Барча шаҳар ва районларда типовой касалхона ва туғруқхона бинолари қурилиши керак, — дедилар ўз сўзларида Сирдарё районидаги «Малик» совхози касалхонасининг бош врачи **П. Бочкарева** ва Вревск касалхонаси акушер-гинекологи **В. Хван** ўртоқлар. — Ҳар бир фельдшер-акушерлик пункти ҳузурида икки-уч ўринли туғруқ бўлимлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай пунктлар деярлик ҳар бир колхозда бор. Колхозларда қурилган туғруқхоналар кўпинча хўжалик мақсадлари учун фойдаланилмоқда. Чиноз районида шундай камчиликлар мавжуд.

Бўстонлик район ижроия комитети раисининг ўринбосари **К. Короткова** ва Пискент район ижроия комитети раисининг ўринбосари **С. Асхатова** ўртоқлар жамоатчилик меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда медицина ходимларига қандай ёрдам бераётганлиги ҳақида гапирдилар.

Врач деган юксак ва олижаноб ном эгаси бўлган кишиларга жуда ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Кўпгина нотиқлар врачнинг бурчи ва шаъни ҳақида гапирдилар. Областимиз даволаш муассасаларида ўз касбини пухта эгаллаган, сезгир ҳар бир беморга хушмуомалалик билан муносабатда бўлувчи медицина ходимлари кўплаб топилади.

Аммо шу билан бирга беморнинг тақдирига масъулиятсизлик билан қаровчи, врач деган юксак номга муносиб бўлмаган медицина ходимлари ҳам йўқ эмас. Олтинтопган комбинати медицина-санитария қисмининг врачи Қаюмов ва Қоражонов, Мирзачўл касалхонасининг врачлари Широкшина ва Кутаевлар шулар жумласидандир. Чиноз ва Ўртасарой касалхоналари биноларининг қаровсиз ётганлигини фақатгина бефарқлик билан изоҳлаш мумкин. Бўка ва Оққўрғон поликлиникаларида, Облиқ участка касалхонасида беморларни қабул қилиш ва уларга зарур ёрдамни кўрсатиш ишлари қониқарсиз аҳволда.

Сўзга чиққанлар область соғлиқни сақлаш бўлими, аптека бошқармаси, «Узмедсансбит» ташкилотлари раҳбарларини қишлоқ ва район даволаш муассасалари аҳтиёжлари билан етарли қизиқмаётганликлари учун қаттиқ танқид қилдилар, дорилармонлар ва медицина ускуналари таъминотини яхшилаш зарурлигини қайд қилдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари ўртоқ **К. Г. Бобрина** нутқ сўзлади.

Медицина ходимларининг область активи йиғилиши аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилади.

КЕНГАШ КЎРСАТМАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ...

БЕКОБОД. Гигант Дзержинский номли колхоз аъзолари 2400 гектар ердан мўл ҳосил кўтариш тараддудини кўрмоқдалар. Пахтанинг таннархини анча арзонлаштириш мақсадида механизациялаш тобора кенг фойдаланилмоқда. 1300 гектар ерга режа сими тортиб чигит экилди. Қолган 1100 гектар ердаги ғўза қатор оралари ҳам кўндалангига қирқилиб, квадратлар ҳосил қилинмоқда.

Культивация, озиқлантириш, ғўза зараркунандаларига қарши кураш ишларида ўртоқ Холдор Ғаниев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Бригадада 60 гектар майдоннинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экилган эди. Ҳозир ҳамма ерда яшил квадрат пайдо бўлди.

Колхознинг А. Отақўзиев, Ў. Тўйчиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши кун сайин кучайтирилмоқда. Пахтакорлар область қишлоқ хўжалик илғорларининг Янгийўлда бўлиб ўтган кенгаши кўрсатмаларига амал қилишиб, ғўзани озиқлантиришни биринчи культивация билан қўшиб ўтказмоқдалар.

М. МАМАТОВ.

Область районларида ғўза парваришининг бориши тўғрисида 1960 йил 16 майгача бўлган

М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Яганалаш	Культивация		Суғориш	Озиқлантириш	Кетмонсиз ишлаш
		узунасига	кўндалангига			
Қуйи Чирчиқ	96,4	93,1	105,8	0,7	80,3	—
Юқори Чирчиқ	88,1	64,3	93,0	0,6	59,9	—
Пискент	77,3	31,8	106,0	—	73,3	4,8
Ўрта Чирчиқ	76,6	72,4	92,8	—	82,5	—
Бекобод	76,4	75,0	94,4	1,1	76,4	17,8
Сирдарё	70,9	53,1	82,7	—	67,4	—
Гулистон	64,0	27,8	90,6	—	50,7	—
Оққўрғон	63,6	57,2	92,3	—	76,6	5,4
Янгийўл	60,4	61,9	93,4	8,8	70,6	42,4
Оржоникидзе	59,9	55,4	62,3	1,8	48,6	11,8
Чиноз	56,9	100,0	71,3	—	63,9	—
Янгиер шаҳри	57,9	52,2	75,6	—	63,9	—
Бўка	40,0	27,6	98,3	0,2	81,0	—
Область бўйича	66,0	54,9	89,1	0,9	68,8	5,9

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Чора кўрилди

«Москва» колхозининг «Қизил Шарқ» участкаси меҳнаткашлари газета-журналларни, келган хатларни ўз вақтида ололмаётганликлари тўғрисида шикоят қилиб редакцияга хат ёзган эдилар.

Калинин район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири ўртоқ А. Қодиров текшириш ва чора кўриш учун юборилган бу хатга редакцияга қуйидаги жавобни берди:

«Москва» колхоз бошланғич партия ташкилоти ва колхоз правлениеси почтальонларнинг ишини яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўрди. Янги тайинланган почтальонлар транспорт билан таъмин қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Машина яратувчилар

I. ЛОИҲА МУҲОКАМАДА

Приходько ҳам, Аҳмедов ҳам, машинани яратишда қатнашган конструкторлар ҳам ўзларида йўқ хурсанд. Нега ҳам хурсанд бўлишмасин. Лабораторияда, чертёж станокларида бедор ўтказилган тунлар, тинимсиз изланишлар — буларнинг ҳаммаси орқада қолиб кетди. Бўлажак машинанинг айрим деталлари тайёр бўлгани сари конструкторларнинг ишончи ортар, ҳали қоғоздаги бўлаклар уларга куч ва илҳом бағишлар, ҳорғинлик ва чарчаганликни тарқатиб юборар эди. Ғуломжон баъзан ўзи яратаётган машинанинг пахта далалари оралаб юришини тасаввур қилар, унинг ҳақида уйлар, ширин ва ниҳоятда лаззатли хаёллар оғушига шўнғиб кетарди. Мана энди янги машина лойиҳасини конструкторлик бюросининг техника кенгаши муҳокама қилмоқда.

— Янги машинани яратаётганимизда, — деди кенгаш қатнашчиларига изоҳ бераётган Приходько, — бундан аввалги машиналардаги камчиликларнинг ҳаммасини ҳисобга олдик. Чамамизда у, очилган пахтанинг кам деганда 90 процентини териб олади.

Апполинарий Николаевич завқ ва шавқ билан сўзлар, шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бирига янги машинанинг афзалликларини тушунтиришга тиришарди. Лекин шу топда залда истеҳзо билан кулиб ўтирганлар ҳам бўлди.

— Биз буни тамомила мукаммал машина деб даъво қилаётганимиз йўқ, — деди бош конструктор, — камчиликлари бўлиши мумкин, лекин кўпчилик бўлиб, сизларнинг ёрдамингизда, уни меёрига етказсак бўлади. Менимча, пахтакорлар олдида бу машина учун уялиб қолмаймиз.

Кенгаш ҳеч ким истамагани ҳолда икки система — горизонталь-шпинделли ва вертикаль-шпинделли система тарафдорлари ўртасидаги тортишувга айланиб кетди. Лекин лойиҳа авторлари чинакамига ижодий мунозаралар, тортишувлар бўлишини кутган эдилар. Приходько ўз жойига келиб ўтирар экан, ГСКБ бош инженери сўз олди. У кутилмаганда йиғилиш руҳини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Чамамда, ҳурматли ўртоғимиз Апполинарий Николаевич, — деди у, — Сиз лойиҳангизнинг нархини жуда ошириб юборингиз. Тўй бўлмасдан бунчалик ноғора чалиш ярамайди. Фикримча, вертикаль-шпинделли машиналар янги агротехника қоидаларига жавоб бермайди. Сиз шу ҳақда ўйлаб кўришингиз зарур. Ваҳоланки, биз ҳамма ерда ғўзани тор қаторлаб парвариш қилишга ўтаяпмиз. Агар биз бу лойиҳани қабул қилсак ва унинг асосида машиналар тайёрланса, пахтакорларни қийнаб қўямиз. Чунки пахтакор ғўзани машинага мослаб парвариш қилиши лозим, бу ҳолда у янги агротехникани жорий қила олмайди, ёки ҳозирча бўлиб келаётганидек, машинани хўжа кўрсинга саройга киритиб қўяди-да, чигитни тор қаторлаб экаверади. Бошқача қилиб айтганда, пахтакор машина деб илғор агротехникадан ё бўлмаса, илғор агротехника деб машинадан воз кечиши лозим бўлади. Ҳозирги тахминлар шуни кўрсатади, учинчи хил натижа бўлиши мумкин эмас. Мен масаланинг ана шу томонларини ҳисобга олишни сўрар эдим.

Минбарга горизонталь-шпинделли машиналар лабораториясининг бошлиғи чиқди. У ён тарафига қараб йўталди, сўнгра чўнтагидан дастрўмол олиб, оғзини артди, графинадан стаканга сув қуйиб, ундан бир-икки ҳўплаган бўлди-да, шошмасдан салмоқ билан гапира бошлади:

— Мен, — деди у, — горизонталь-шпинделли машиналар лабораториясининг бошлиғи бўлганлигим учун эмас, балки умуман масалага давлат нуқтаи назаридан қараётганлигим учун бу янги машинани ишлаб чиқариш учун қабул қилишга қаршиман. Нега деганда, пахта йиғим-теримини механизациялашга вертикаль-шпинделли система умуман ярамайди. Янги машинани ишлаб чиқариш учун қабул қилиш — қимматли вақтимизни ва давлатнинг жуда катта маблағини бекорга сарфлаш бўлади. Эҳтимол, мен янглишаётгандирман, лекин ҳар ҳолда шу мулоҳазаларни айтиб ўтишни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

Апполинарий Николаевич ҳам, Ғуломжон ҳам бундай бўлишини сира хаёлларига келтирмаган эдилар. Нотиқларнинг янги машинага қарши гапираётган ҳар бир сўзлари лойиҳа авторларига худди найзадек санчилаётган эди. Шу пайт кимдир чиқиб, қишлоқлардаги саройлар турли хил машиналар билан тўлиб кетгани, терим агрегатларининг пахтакорлар ўртасида ҳеч қандай қадр-қиймати йўқлиги, яна алланарсалар ҳақида сўзлади. Приходьконинг кўз ўнги қоронғулашиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Унинг юрагига бир парча чўғ тушгандек бутун бадани жимирларди. Нотиқлар бундан кейин нималар деди, машина лойиҳаси ҳақида, унинг авторлари ҳақида қандай мулоҳазаларни айтди, қандай таклифлар киритди — буларни у билмас эди. Ғуломжон бу ерда бўлаётган гаплардан пешанасида ҳосил бўлган маржон терни артаётиб, устозига назар ташлади. Унинг ранги қув ўчган эди. Ғуломжон чўчиб кетди ва шошa-пиша сўради: «Апполинарий Николаевич, сизга нима бўлди, бетобмисиз?».

— Ғуломжон, — деди Приходько қандайдир бир ички тўлқин билан, — укажон, сен чиқиб сўзла, улар нотўғри гапиришаяпти, бизни ноҳақ ерга қоришяпти.

Ғуломжон кўпчилик ўртасида гапирмаганлигидан эмас, балки бу ердаги сўзлардан қаттиқ таъсирланганлиги ва ниҳоятда ҳаяжонланганлиги сабабли тутилиб-тутилиб гапирди. Лекин шунга қарамай у, машина лойиҳасини қабул қилишни талаб қилди.

— Жуда бўлмаганда тажриба нусхасини тайёрлайлик, уни дала шароитида синаб кўрайлик — ана шунда машина ишга ярайдими-ярамайдими — бу масала ҳаммага беш бармоқдай аён бўлади. Ҳозирча бу ерда горизонталь-шпинделли система афзалми ёки вертикаль-шпинделли система афзалми деган масала устида тортишиб ўтиришга, менимча, ортиқча иш. Буни қаёт кўрсатади. Ҳар қандай назариянинг ҳам баҳо берувчиси, ўлчагичи — ҳаёт.

Аҳмедов трибунадан тушиб келар экан, ён тарафдан кимнингдир «бунинг учун бизда бекорчи вақт йўқ» деб пўнғиллагани эшитилди. Ғуломжон ялт этиб ўша тарафга қаради, лекин бу гапни ким айтганлигини пайқай олмади.

Кенгашга одатдагидек конструкторлик бюросининг бошлиғи Николай Иванович якун ясади.

— Нотиқларнинг сўзларини ҳаммамиз эшитдик, — деди у. — Тўғри, машина авторлари анча иш қилишган, лекин уларнинг меҳнати кутилган натижани бермади. Мен ҳам кўпчилик ўртоқларнинг фикрига қўшиламан. Ҳозирча машинани ишлаб чиқаришга қабул қила олмаймиз.

Ғуломжоннинг охирги умидлари Николай Ивановичда эди. Энди-ликда эса қўлтиғидан тарвузи тушиб, унинг сўнгги умидлари ҳам пучга чиқди. Кенгаш тамом бўлгач, ўрнидан турар экан, Аҳмедов ўзини бир хил сезди, қўл-оёқлари бўшашиб кетган, мажолсиз эди. Унинг кўзи тинар, боши айланарди. Яхши ният билан янгилик яратиш йўлида учраган бу қийинчилик лойиҳа авторларининг руҳини жуда туширибгина юборди. Кучли ҳаяжон Приходькони ҳам, Аҳмедовни ҳам ҳаддан ташқари ҳоритганди. Кенгашдаги гаплар Ғуломжонга шунчалик қаттиқ таъсир қилдики, у эндиликда ўз кучига, қобилиятига ишонмас эди. Ташқарига чиқишлари билан юрак аламларини устозига тўкиб солди.

— Наҳотки, Апполинарий Николаевич, шундай бўлса, — деди Ғуломжон титроқ овоз билан. — Наҳотки машаққатли меҳнатимиз сувга оқса. Бундан чиқдики, бир йилдан бери давлатнинг пулини бекорга олаётган эканмиз-да!

Приходько ҳам ўзини яхши сезмасди. Шу сабабли у Аҳмедовнинг саволига ҳа деганда жавоб бераолмади. Кучли ҳаяжондан бўлса керак, миясн дўқиллаб оғрирди. Кўлидаги папиросини алам билан кетма-кет қаттиқ тортди-да, бир чеккага жаҳл билан улоқтириб юборди. Анчагача иккаласи ҳам ёнма-ён сўзсиз боришди. Шу вақт ичида Приходько ўзини бироз босиб олди. Миясининг лўқиллаётгани ҳам босилгандай эди.

— Нима десам экан, сенга Ғуломжон, — деди у хайрлашиш олдида, — бир сўз билан айтганда диалектика, ҳа диалектика. Ҳаётнинг қонуни шу, янгилик ҳамма вақт машаққат билан, қийинчилик билан вужудга келади. Бу кунги гапларнинг ҳаммаси янгиликнинг туғилишидаги биринчи тўлғоқ. Бу нарса яна қайтарилиши мумкин. Шу сабабли ҳушёр бўлишимиз, умидсизликка тушмаслигимиз керак. Айт-чи, сен ўзинг машинанинг яхши ишлашига ишонасанми?

— Бўлмаса-чи, унинг пахтазорлар оралаб юрганини мана худди сизни кўриб тургандек кўраман, тасаввур қиламан.

— Демак, курашни давом эттирамиз.

— Албатта, мақсадга эришмагунча, — деди тўла ишонч ва қатъийлик билан Ғуломжон.

II. БУРЧ УНДАИДИ

Техника кенгашининг қарори лойиҳа авторлари руҳиятига таъсир этмасдан қолмади. Айниқса Приходькоинг тунлари ҳам, ҳаловати ҳам бузилди, уйда жуда кам гап ва ўйчан, бўлиб қолди. Ундаги хушчақчақлик, сўзамоллик қани, қаёққа кетди бўларинг ҳаммаси?! Уйдагилар кейинги вақтда Апполинарий Николаевичда пайдо бўлган ана шу ўзгаришларнинг сабабларини билишга ва уни юпатишга тиришарди. Баъзан янгилик яратишдан кўра, уни рўёбга чиқариш машаққатлироқ, дейишарди. Бош конструктор бу гапларнинг маъносига эндиликда тўла тушуниб етган эди. Аммо юрагининг қаеридадир ишонч алангаси сўнмаган эди. Шу аланга унинг руҳини кўтарар, ишга ундар, ғалабага чорлар эди.

Ишга келганда Приходько сир бой бермасликка, ўз ҳолатини билдирмасликка тиришарди. Шу сабабли у куни бўйи ҳали у, ҳали бу конструктор ёнига борар, уларнинг чертёж станогидаги ишларини кўздан кечирар, керакли маслаҳатларни берарди.

Бироқ ҳеч кутилмаганда иш яна чаппасига кетди. Вертикаль-шпинделли машина системасига қарши кураш техника кенгашидан кейин тўхтатдигина эмас, балки яна кучайтириб юборилди. Бундай система яроқсиз деб чор атрофга жар солинди. Оқибатда ўша пайтда «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган «СХМ-48М» вертикаль-шпинделли машинани чиқариш тўхтатиб қўйилди. Бу ҳам етмагандек кўп ўтмай, ижодий кучларни асосий масалани ҳал этишга бирлаштириш «шиори» остида вертикаль-шпинделли машиналар лабораторияси бутунлай бекитиб қўйилди. Эндиликда чекиниш, вертикаль-шпинделли системанинг ярамас эканлигини эътироф этиш билан баравар бўлар эди. Шу сабабли Приходько ва Аҳмедов бошлиқ бир группа конструкторлар лойиҳани такомиллаштириш устида кунт ва сабот билан ишлашни давом эттиришдар. Коммунистик бурч уларни шунга ундарди. Лекин масалани силжитиш учун бирор чора кўриш лозим, акс ҳолда машина қачналик яхши бўлмасин, барибир у фақат қоғозда лойиҳалигича қолиб кетаберади.

... Партком хонасида партия ташкилотининг секретари Владимир Михайлович Беспалов, бюро аъзоси, ГСКБ мастерскойи бошлиғи Пётр Алексеевич Бриков ва Апполинарий Николаевич Приходько узоқ суҳбатлашишди. Масала ҳақиқатан ҳам жиддий эди: маъмурият раҳбарларининг ўжарлигини букиш ва шу йўл билан янгиликка йўл очиш зарур эди.

— Бутун умидимиз сизда, партия ташкилотида, — дерди куйиниб Приходько. — Мени виждон азобидан қутқаринг. Ахир нима деган гапки, янгиликни яратсанг-у, меҳнат қилсанг-у, лекин унинг натижасини кўрмасанг. Бутун эътиборинг кўзи бизда, эртагами, индингами қани, ўртоқ конструкторлар, қилган ишларингизни бир кўрсатинглар, деб қолсалар нима деб жавоб берамиз. Ижодий фикр юритдик, ўзаро тортишдик, қайси машина системасининг устунлигини, назарий ҳал қилиш учун бир қатор кенгашлар ўтказдик, деб жавоб берамизми?!

— Агар бундай дейдиган бўлсак, — сўзга аралашди мастерской бошлиғи, — қуруқ сафсатанинг кимга кераги бор эди, деб таъна қилишади.

— Таъна қилишса ҳам майли эди-я, лекин бу ерга машина яратувчилар эмас, балки сўзамоллар йиғилиб қолган экан деб қулишади, — партком Бриковнинг сўзини маъқуллади. — Мана ҳаш-паш дегунча конструкторлик бюромиз ташкил этилганига 12 йил бўлибди, лекин ҳалигача пахтакорни хурсанд қиладиган бирор дурустроқ машина яратганимиз йўқ. Менимча, қандай бўлмасин машинанинг битта-иккита тажриба нусхасини тайёрлашимиз керак.

— Шу машинанинг ишлаганини кўрсам, бу дунёда армоним қолмас эди, — Приходько жонланиб кетди.

— Бўлмаса шундай таклиф бор, — деди Петр Алексеевич, — мастерской ишчилари номидан янги машинанинг аппаратларини пландан ташқари тайёрлаб беришни мен ўз зиммамга оламан. Буёғи сизларга боғлиқ.

— Жуда яхши, — деди партком, — маъмурият билан гаплашиш ва уни кўндиришни менга тан.

Приходько қандай қилиб ўрнидан сапчиб туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. У коммунист дўстларининг қўлларини қаттиқ қисиб, миннатдорчилик билдирди, сўнгра эшикка томон ўқдек отилди.

III. БАХТ

— Ғуломжон, ука, қани суюнчини берабер, — лабораторияга кириб келаркан дерди Апполинарий Николаевич ўзида йўқ хурсанд ҳолда. — Машина бўлади, у бу йил пахта теради.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ. 17 МАЙ, 1960 ЙИЛ

Матбуот тарқатувчиларнинг шаҳар слёти

Яқинда Тошкент шаҳар жамоат матбуот тарқатувчиларнинг слёти бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари «Союзпечать» шаҳар бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Золоторевнинг газета-журналларга обуна қабул қилишнинг бориши ҳақидаги докладини эшитдилар.

Пойтахтимизнинг олий ўқув юртларида, саноат корхоналарида жуда кўп жамоат матбуот тарқатувчилар ишлаб турибди. Улар газета-журналларни кенг пропаганда қилиб, алоқа ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу ишда трамвай, троллейбус кондукторлари ҳам актив қатнашаётирлар.

Жамоат матбуот тарқатувчиларнинг слёти бундан кейин газета-журналларга обуна қабул қилишни янада яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни белгилади.

Слётда матбуот тарқатишда актив қатнашаётганлардан 200 киши меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети, область касаба союзи ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари ва қиммат баҳо буюмлар билан мукофотланди.

Традицион мотокросс

Ўтган дам олиш куни Бектемир қишлоғида «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи» газеталарининг мукофоти учун традицион мотокросс бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг энг кучли мотоциклчиларидан 63 киши қатнашди. Булар орасида 11 спорт мастери бор эди.

Пойгачилар 2500 метрлик масофадан иборат паст-баландли, бурилиши қийин бўлган йўллардан ўтдилар, катта ва чуқур ариқлардан сакрашга тўғри келди. ДОСААФ спортчилари бу пойгада ўзларининг эпчил ва довюрак эканликларини намойиш қилдилар.

60 километрлик дистанцияга финиш линиясини биринчи бўлиб спорт мастери Г. Семенов (ДОССАФ) кесиб ўтди. Унинг кетидан эса спорт мастерлари Ю. Григорьевский ва Д. Андреади финишга кириб келишди. Кечқурун коляскали мотоциклчилар кураши қизиб кетди. Бунда 40 километрли дистанцияни биринчи бўлиб В. Чиков, В. Железняков (ТуркВО спорт клубидан) бошқарган экипаж босиб ўтди.

Умумкоманда ҳисобида ДОСААФ спортчилари ғалаба қозондилар. Улар шу билан учинчи марта «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи» газеталарининг кўчма призини олишга муваффақ бўлдилар.

П. ЮСУПОВ.

Қирғизистон санъати ҳафталиги

Суратда: Қирғизистон ССР халқ артисти К. Чодронов ва солистка Ч. Сатаевалар «Ойчўрек» операсидан дуэтни ижро этишмоқда. В. Лейзерович фотоси.

Дам олиш уйлари, курорт ва санаторийларга

Баҳор ва ёз ойлари яхши дам олиб, саломатликни мустаҳкамлашда энг қулай, ғаниматкунлар ҳисобланади. Йилнинг бу фаслларида табиат ўзининг бутун гўзаллигини кўз-кўз қилади, кишига роҳат бахш этади, дилларни яйратади. Табиатнинг ана шу шифобахш хислатларидан баҳраманд бўлиб, меҳнат отпускасини мамлакатимизнинг энг гўзал ерларида жойлашган курорт ва санаторийларда ўтказиш жуда ғаштли бўлади.

Ана шуни ҳисобга олиб Тошкент область касаба союзлари Совети ишчи, хизматчиларининг баҳор ва ёз ойларида яхши маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни кўрмоқда. Бу йил мамлакатимизнинг марказий курорт ва санаторийларида областимиз меҳнаткашларидан 10 мингдан ортиқ киши дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаб қайтади. Дам олиш уйларига бориш учун эса 25 мингга яқин кишига арзон баҳоларда путёвка берилади. Бундан ташқари 5 мингдан ортиқ ишчи, хизматчи турли санаторийларда дам олиб даволанади.

Областимиз территориясида ишлаб турган дам олиш уйлари ва санаторийларни кенгайтириш билан бирга, янги дам олиш ва даволаш муассасалари ҳам қурилади. Ҳушманзарали ва баҳаво жойлари билан машҳур бўлган Бўстонлиқ районининг Оби-раҳмат деб аталувчи соя-салқин, ҳушманзара жойида 300 кишига мўлжалланган дам олиш уйи қуришга киришилди. Шунингдек «Чинобод» санаторийсида 90 ўринли янги корпус қурилмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

Китоб янги ҳаёт қуришга ёрдам бермоқда

Меҳнаткашларнинг китобга бўлган қизиқиши Чехословакияда маданий революция ғалабасининг равнақини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Ҳозирги вақтда мамлакатда 30 дан ортиқ давлат нашриётлари, союзларнинг ижодий ходимлари, жамоат ва илмий ташкилотлар ишлаб турипти. Уларда йил сайин мамлакат жамоатчилик фаолиятини акс эттирувчи турли номда 4.500—5.000 китоб чиқарилмоқда. Уларнинг йиллик тиражи 50 миллион нусҳадан ортиқ. Чехословакияда Совет Иттифоқидаги каби ҳар бир кишига 3-4 китоб тўғри келади. Бу, жаҳонда энг юқори кўрсаткичдир. Нашр этилаётган китобларнинг безаги чиройлилиги билан ажралиб туради, улар СССР, Франция, Ҳиндистон, Германия Демократик Республикаси, ГФР, Бельгияда бўлиб ўтган халқаро китоб выставкаларида юксак баҳо олганлиги бежиз эмас.

Нашриётлар мамлакат аҳолисини марксизм-ленинизм классиклари асарлари билан таништиришга катта аҳамият бермоқда. Фақат В. И. Ленин асарларининг ўзи урушдан кейинги йиллар мобайнида 5 миллион нусҳа ошди.

Нашриётлар китобхонларнинг чех ва чет эл классик адабиётларига бўлган катта қизиқишини ҳисобга олиб, Чехословакия ва бошқа мамлакатлар ёзувчиларининг асарларини оммавий тиражда босиб чиқармоқда. Масалан, атоқли чех ёзувчиси Б. Немцованинг китоби мамлакат озод қилинган 15 йил ичида 2 миллион нусҳа, Я. Неруданинг асарлари 1,3 миллион, Ю. Фучикнинг «Қатл олдидаги сўз» асари 500 минг нусҳа босилди. Чехословакияда ҳар йили жаҳондаги 40 мамлакат тилидаги бадиий ва техника адабиётидан 800 га яқин китоб таржима қилинади.

Республикада 800 магазин адабиётларни тарқатиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқларда 20 миллион китобга эга бўлган 14 мингдан ортиқ халқ кутубхоналари ва унинг 530 мингдан зиёд филиаллари ишлаб турибди. Шу билан бирга давлат илмий ва олий ўқув юртларида 1300 дан ортиқ кутубхоналар ишлаб турибди. Улардаги китоб фонди 15 миллиондан ортиқ нусҳани ташкил этади.

Китобларни оммалаштиришда китобхонлар клублари айниқса муҳим роль ўйнамоқда.

М. НИКИТОЧКИН.
(ТАСС мухбири).
Прага шаҳри.

Германиядаги совет қўшинлари группаси бош қўмондонининг Ғарбий Германиядаги АҚШ, Англия, Франция қўшинлари бош қўмондонларига юборган мактуби

БЕРЛИН, 16 май. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, шу йил 15 майда Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони И. И. Якубовский Ғарбий Германиядаги Америка, Англия, Франция қўшинларининг бош қўмондонларига бир хил мазмундаги мактуб юборган. Мактубда бундай дейилади:

Генерал жаноблари!

1960 йил 5 майда таниш белгилари бўлмаган самолёт Германия Демократик Республикасининг давлат чегарасини бузиб, Ғарбий Германия томондан Германия Демократик Республикасининг осмонига бостириб кирган.

Мазкур самолёт соат 17 дан 22 минут ўтганда, 1.700 метр баландликда Бойценбург шаҳридан 15 километр ғарби-жанубда Германия Демократик Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтиб, Германия Демократик Республикасининг территориясига 90 километр ичкари кирган. Совет навбатчи қирувчи самолётлари бу самолётга ерга қўниш учун бир неча марта белгиланган сигналларни бериб турдилар. Бироқ, чегарани бузиб ўтган самолёт бу талабларни бажармай, Ғарбий Германия донрасига ўтди.

Ғарбий Германиянинг қуролли кучларингиз назорат қилиб турган ҳаво масофасидан ўтиб кирган мазкур самолётнинг ГДР чегарасини қўпол равишда бузганлиги муносабати билан, мен Сизга кескин норозилик билдираман ҳамда келгусида Германия Демократик Республикаси чегараларини бузиш учун Германия Федератив Республикаси территориясидан фойдаланишга йўл қўймайдиган чоралар кўришингизни талаб қиламан.

Сизнинг эътиборингизни шунга жалб қилмоқчиманки, Варшава шартномасига мувофиқ, ГДР территориясида турган совет қўшинлари чегарани бузган самолётга нисбатан унинг ГДР территорияси устида жазосиз учиб юришига йўл қўймайдиган чоралар кўришлари мумкин эди, албатта. Аммо, Германиядаги совет қўшинлари группасининг қўмондонлиги бу гал ана шундай чораларни кўришдан тўхтаб туриш мумкин, деб ҳисоблади.

Ишонаманки, менинг Сизга қилаётган мурожаатим тўғри тушунилиб, бундан буён ана шундай чегара бузишлар рўй бермаса керак. Шу билан бирга, огоҳлантириб айтишим керакки, агар бундан буён Ғарбий Германия территориясидан Германия Демократик Республикасининг ҳаво чегаралари бузила берса, у ҳолда, совет қўмондонлиги бу хилдаги чегара бузишларга барҳам бермоқ учун энг кескин чораларни кўришга мажбур бўлади.

Ҳурмат билан

Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони генерал-полковник

И. ЯКУБОВСКИЙ.

Совет фани ва техникасининг афзаллиги намойиш қилинмоқда

БУХАРЕСТ, 16 май. (ТАСС). Совет Иттифоқида космик кема учирилганлиги ҳақидаги хабарни бутун Руминия меҳнаткашлари хурсандчилик билан ва маъқуллаб кутиб олдилар. ТАСС ахбороти Бухарест радиоси орқали ва Руминия Халқ Республикасининг барча радиостанциялари орқали бир неча марта эшиттирилди. Руминия радиоси орқали олимлар, инженерлар, ишчилар сўзга чиқиб, совет фани ва техникасининг янги катта муваффақиятларини қизғин табриклашмоқдалар. Сталин шаҳридаги трактор заводининг инженери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Трандафироску бугун радио орқали сўзга чиқиб, космосда янги гўзал юлдуз пайдо бўлди, деди. Бу космик кема Совет Иттифоқи томонидан космосни тадқиқ қилиш ишларини давом эттириш учун учирилди. Совет Иттифоқининг бу янги муваффақияти совет фани ва техникасининг афзаллигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Бухарестдаги драма театрининг бош режиссёри Янис Веакис ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Бугун радио қувончли хабар келтирди — Совет Иттифоқида космик кема учирилди. Америка ҳарбийлари агрессив ҳаракатлар қилаётган бир вақтда, совет халқи фан ва техниканинг энг юксак муваффақиятларидан инсониятга хизмат қилиш учун фойдаланмоқда. Совет Иттифоқида космик кема учирилганлиги инсоният учун ажойиб гўзал бир совғадир.

Ҳарбий базалар учун

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Вашингтондан хабар беришича, Америка Қўшма Штатларининг сенати 1 миллиард 185 миллион 665 минг доллар миқдорида ҳарбий қурилиш программасини маъқуллаган. Бу программанинг мақсади — Қўшма Штатларда ва чет элларда Америка ҳарбий базаларини кенгайтиришдир.

ЭЙЗЕНХАУЭР ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэр тўрт буюк давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашида қатнашмоқ учун бугун Парижга келди. Эйзенхауэр аэродромда берган қисқача баёнотида: «Ғарб билан Шарқни ажратиб турган» проблемаларни ҳал қилмоқ учун Ғарб Н. С. Хрушчев «пешвозига ярим йўлгача боради» деди.

Орли аэродромида Эйзенхауэрни Франция ҳукумати номидан лавозимсиз министр Робер Лекур, шунингдек Америка Қўшма Штатларининг Франциядаги элчиси Э. Хотон кутиб олдилар. Минг-минглаб парижликлар Совет ҳукумати бошлиғини табриклаш учун келган кечаги кундан фарқ қилиб, халқ учун тайёрланган минбарлар бугун бўм-бўш эди.

МАКМИЛЛАН ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Англия бош министри Макмиллан тўрт буюк давлат бошлиқларининг кенгашида қатнашмоқ учун бугун Парижга келди.

ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Бугун куннинг биринчи ярмида Елисей саройида (Франция президенти резиденцияси) Ғарб давлатлари бошлиқларининг кенгаши бўлди. Кенгашда Франция президенти де Голль, Англия бош министри Макмиллан ва АҚШ президенти Эйзенхауэр қатнашдилар. Кенгашда Германия Федератив Республикасининг канцлери Аденауэр ҳам қатнашди.

Кенгашда Франция бош министри Дебре ва Ғарб давлатлари ташқи ишлар министрлари ҳозир бўлдилар.

* * *

ПАРИЖ, 16 май. (ТАСС). Кеча куннинг иккинчи ярмида Елисей саройида Ғарб давлатлари бошлиқлари иккинчи марта учрашдилар. Кенгашда Франция президенти де Голль, Англия бош министри Макмиллан, АҚШ президенти Эйзенхауэр қатнашдилар.

Кенгашда Франциянинг бош министри Дебре, Англия, Франция ва АҚШ ташқи ишлар министрлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Телевизор экранида

17 МАЙДА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Моҳир қўллар» деган эшиттириш.

19.45. Халқаро масалалар бўйича обзор.

19.55. Мультипликацион фильм.

20.05. Сўнгги ахборот.

20.25. Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш.

21.00. Ҳамза номли мусиқа билим юрти ўқувчиларининг концерти.

21.30. Қисқа метражли фильмлар.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тез суръатлар билан қад кўтариб, Тошкентнинг ҳуснига ҳусн қўшаётган ҳашаматли бинолар борган сари кўпаймоқда. Суратда: Богдан Хмельницкий кўчасида қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп квартирали янги турар жой биноси. В. Надеждин фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

Машинистка керак эмас

Штатида машинистка бўлмаган муассаса жуда кам топилади. Шу туфайли ҳам олимлар ҳозир машинистка ўрнини босувчи бир нечта кибернетика асбоблари яратаётирлар. Шулардан бирини япон олими Кэнуиче Маэда кашф этди. Микрофон олдида туриб аста айтилган сўзларни машина махсус аппаратда лотинча ҳарфда қоғозга ёзади. Бу приборнинг конструкцияси анча мураккаб бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчиси сўзларни унли ва унсизларга бўлади, бошқаси шу сўзлардан ҳар хил комбинациялар тузади, учинчи қисми эса овоз сигналларини электр импульсларига, сўнгра ҳарфларга айлантиради. Ана шу операциялар 300 та электровакуум, 600 та чала ўтказгичли приборлар ва 2 мингга яқин қаршилик ҳам конденсаторлар ёрдамида бажарилади.

Совет Иттифоқи маршали Ф. И. Толбухинга ҳайкал

Москвадаги Самотечний бульварида атоқли совет саркардаси, Совет Иттифоқи маршали Ф. И. Толбухин ҳайкалини очиш маросими бўлди.

Пойтахт корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, Совет Армиясининг генераллари, офицерлари ва солдатлари, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари монументни очиш маросимига келдилар.

Ф. И. Толбухин ҳайкали москвалик ҳайкалтарош Л. Е. Кербель ва архитектор Г. А. Захаров лойиҳаси бўйича ясалди ва ўрнатилди. (ТАСС).

„Тошкент ҳақиқати“ газетасига обуна бўлинг

«Тошкент ҳақиқати» газетасига 1960 йилнинг иккинчи ярми учун обуна қабул қилиш давом этмоқда. Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз, совхоз ва РТСлардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси ярим йил учун 26 сўм 10 тийин.

Машина яратувчилар

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

— Ростданми, тайёрлашадиган бўлишдими?! — Гуломжон ҳам эътибиб қолди. Бир зумда бош конструкторни лаборатория ходимлари ўраб олишди...

Ишлар юришгандан юришиб кетди. Орадан кўп ўтмади: вертикальшпинделли машиналар лабораторияси яна қайтадан ташкил этилди. Апполинарий Николаевични унга раҳбар этиб тайинлашди. Янгилик изловчиларнинг иродаси, сабот-матонати, партия ташкилотининг қатъийлиги, коммунистларнинг ташаббуси билан эскилик чекинди.

... 1958 йилнинг кузи. Ўрта Осиё машина-синаш станциясига бутун кўп меҳмонлар келишди. Улар орасида СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Тошкент Халқ хўжалик кенгашининг вакиллари ҳам бор эди. Ҳали яқиндагина бўёқ берилган иккита ҳоворанг пахта териш машинаси қуёш нурида кўзни олгудек ялтираб турибди. Уларнинг биқинида «ХВС-1,2» деган ёзувлар. Приходько, Аҳмедов ва машина лойиҳасини тайёрлаган конструкторлардан Воронкин, Шкарупа, Гуреевичлар шу кунни қанчалар орзиқиб кутган эдилар. Ниҳоят ана шу дақиқалар, бир умрга эсдан чиқмайдиган дамлар ҳам етиб келди.

Машина моторлари ишлай бошлаганда Апполинарий Николаевич ва Ғуломжондаги ҳаяжон зўрайди. Нима бўларкин, қандай натижа бераркин—бу хаёллар уларга тинчлик бермасди. Конструкторлар, шунингдек вакиллар ҳам худди ёш болалардек қизиқсиниб машина атрофида гирди-капалакдек айланар эдилар. Машина пўлат панжалари лўппи бўлиб очилган пахталарни тинмай шипириб бораяпти. Мана, бункерга дастлабки килограмм «оқ олтин» тушди. Ҳамманинг кўзи бир нарсага тикилган. Машина ҳам ўз ишини атрофдагиларга кўз-кўз қилгандек гўзалар бағрини енгилгина ёриб борарди. Ҳаш-паш дегунча бункер тўлди. Текшириш натижалари кутилгандан ҳам аъло бўлиб чиқди: машина очилган пахтанинг 93—95 процентини терган эди. Министрлик ва Халқ хўжалиги кенгаши вакиллари лойиҳа авторларини чин юракдан қизғин табриклашди.

— Ажойиб машина!

— Мана буни чиндан ҳам машина деса бўлади!

Бу — ҳаққоний ва жуда тўғри баҳо эди. Машина оммавий равишда ишлаб чиқариш учун қабул қилинди.

... Ўтган йили пахта далаларида неча юзлаб «ХВС»лар ишлади. Республикамизнинг 3 миллион 163 минг тоннадан иборат улкан хирмонига ана шу машина бункеридан 330 минг тонна «оқ олтин» тўкилди. Шу машинада поплик машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меликўзи Умурзоқов 251 тонна, ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан моҳир механизатор, 100 тонначилар ҳаракатининг ташаббускори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони чинозлик Турсуной Охунова эса 210 тонна пахта терди. Бир мавсумдаёқ «Ташсельмаш» паҳлавони — «ХВС» нинг доврўғи бутун оламга кетди. Эндиликда биз ҳам Турсунойдек, Меликўзидек бўламиз деганларнинг сон-саноғи йўқ. Машина ундоқ, машина бундоқ, дейдиган раисларни энди тополмайсиз. Чунки, «ХВС» ўз иши билан бундай қолоқ фикрларга зарба берди. Машинага умумхалқ муҳаббати уйғонди.

Бу йил республикамиз пахтакорлари бутун эл-юрт олдида камида 500 минг тонна пахтани машинада териб оламиз деб ваъда берган эканлар, даставвал ана шу пўлат чевар теримчи — «ХВС»га ишониб сўз олдилар. Эндиликда машина пахтакор хўжаликларимизнинг кўрки ва чиройи бўлиб қолди.

Пахтакорларимиз ана шундай ажойиб машина яратган конструкторларимиз шаънига, уларнинг ақл-идроки ва заковатига таҳсинлар ўқимоқда, шоирларимиз эса қўшиқлар тўқимоқда. Халқимнинг огирини енгил қилсам, деган хайрли ният билан яшаётган — фидокор кишиларни бугун бутун эл-юрт олқишламоқда.

Халқ олқишига, унинг миннатдорчилигига сазовор бўлишдан ҳам каттароқ бахт борми!

И. СУЛАЙМОНОВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Дилором**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/V да **Тоға-жиянлар**, 18/V да ёзги бинода **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)— 18/V да **Муқимий**.

Иккинчи баҳор (биринчи кенг экранли ўзбек бадиий фильми)— «ВАТАН» (ўзбек тилида), «МИР» (рус тилида, кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Очилган кўриқ (2-серия)— НАВОИЙ номли (қишки), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), ПУШКИН номли, «ВАТАН» (ёзги, кеч соат 9 ва 10 яримда), НАВОИЙ номли (ёзги), КАФАНОВ номли (кеч 8-40 минутда.)

Яша Топорков — «ДРУЖБА» (2-зала), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10 яримда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9-40 минут ва 10-20 минутда), «УДАРНИК».

Нормандия-Неман — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Тўхтагул — НАВОИЙ номли (ёзги, кеч соат 10-20 минутда).

Калта шим кийган одам — КАФАНОВ номли (кеч соат 10 яримда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
17 майда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ

Концертда: СССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мунаррама Турғунбоева**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашевлар** қатнашади.

11/V даги «Дилором» спектаклига олинган билетлар 17/V даги концертга ярайди.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

1960 йил 27 май кундуз соат 3 да В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат университети юридик факультетининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, Шайхантаҳур проезд, 10-уй, 3-зал)

Т. Т. Иноятов

юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Совет Ўзбекистони судларининг феодал-бой сарқитларига қарши курашдаги роли» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университетнинг асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 8-уй).

1960 йил 27 майда Ўрта Осиё политехника институтида қуйидагилар техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАНДИЛАР

Н. В. Авдеев — соат 14 да, энергетика ва механика факультетларининг бирлашган советида: Пушкин кўчаси, 70-уй): «Металлизация қилинган деталларнинг термик усулда ишланиши» деган темада.

А. К. Плахтий — соат 18 да, геология-разведка ва кон факультетларининг бирлашган советида: (Гоголь кўчаси, 68-уй): «Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари шароитида шаҳар ер ости коммуникацияси картографиялашнинг базиси масалалари (Тошкент шаҳри мисолида)» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115. Эълонлар бўлими—28142.

Р. 02677

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. А. 1597.